

**13 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарори ижросини амалга ошириш
ГРАФИГИ**

(2024 йил 15 январь ҳолатига)

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
1	<p>1. Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини такомиллаштиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилансин:</p> <p>статистика органларини талаб юқори бўлган, сифатли ва ишончли маълумотларни шакллантиришга, статистика маълумотларининг шаффофлиги ва ошкоралигини оширишга қаратилган профессионал мустақил хизматга айлантириш;</p> <p>статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга оширишга қаратилган ваколат ва мажбуриятларни мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгашининг тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш;</p> <p>илғор ахборот-коммуникатсия технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда статистика ахборотларини йиғиш, қайта</p>	<p>Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.</p>	<p>Доимий</p>	<p>Д. Закиров</p>	<p>Маълумот ва ижро учун қабул қилинди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	<p>ишлаш, таҳлил қилиш, нашр этиш ва сақлаш бўйича яхлит тизимни ташкил этиш;</p> <p>расмий статистикани ишлаб чиқариш, тарқатиш ва мувофиқлаштириш мақсадида мамлакатнинг бутун миллий статистика тизими доирасида қўлланиладиган услубий асослар ва бошқарув тамойилларини такомиллаштириш;</p> <p>идоравий маълумотлар базаларини ягона маълумотларни бошқариш тизимига интеграция қилиш орқали кузатувларни босқичма-босқич оптималлаштириш ва респондентлардан ҳисобот топшириш юқини камайтириш, шунингдек рўйхатга олиш ишларини ўтказиш ва ялпи статистика ҳисоботларини танланма кузатувлар билан алмаштириш ҳисобига статистикани шакллантириш тизимини такомиллаштириш;</p> <p>статистика маълумотларидан фойдаланувчилар билан самарали ҳамкорлик сиёсатини йўлга қўйиш ва мавжуд статистика маълумотлари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш орқали фойдаланувчиларнинг статистика ахборотларига бўлган</p>				

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	<p>ишончини ошириш; давлат статистика органлари фаолиятини моддий-техник қўллаб-қувватлашни янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитларни яратиш, шунингдек ахборот-коммуникатсия технологияларининг самарали жорий этилиши ҳисобига ҳудудий статистика органлари тузилмаларива уларнинг вазифаларини босқичма-босқич мақбуллаштириш; давлат статистика органлари ходимларининг касбий даражасини ошириш, илмий тадқиқотларни олиб бориш ҳамда келгусида амалиётда қўллаш учун илғор статистика усуллари ва технологиялари, шу жумладан очик маълумотлар соҳасида инноватсион ишланмаларни ишлаб чиқиш.</p>				
2	<p>2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: Давлат статистика қўмитаси расмий статистикани шакллантириш билан боғлиқ ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил равишда амалга оширади;</p>	<p>“Расмий статистика тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасида назарда тутиш, соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари, жумладан низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.</p>	2020 йил август-сентябрь	Д. Закиров	<p>Бажарилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4273-сон қарорига мувофиқ “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	<p>статистика органларининг қонуний фаолиятига, шу жумладан расмий статистика ҳисоботлари ва кузатувларини ўтказиш ҳамда уларни нашр қилиш ва эълон қилиш жараёнларига ҳар қандай аралашига йўл қўйилмайди;</p> <p>Давлат статистика қўмитаси томонидан шакллантириладиган статистика маълумотлари расмий статистика ахбороти сифатида эълон қилинади;</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар), шунингдек, туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдирлар ва бевосита Давлат статистика қўмитасига бўйсунди;</p> <p>ҳудудий бошқармалар бошлиқлари Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан, туманлар (шаҳарлар) статистика бўлимлари бошлиқлари ҳудудий бошқармалар бошлиқларининг тақдимномасига кўра Давлат статистика қўмитаси раиси</p>				<p>Лойиҳа - 6 боб ва 40 моддадан иборат. Лойиҳада МДХ, Осиё ва Европа мамлакатларининг, жумладан Германия, Япония, Хитой, Россия Федератсияси, Беларус, Қирғизистон, Арманистон, Молдова ва бошқа мамлакатлар тажрибаси ўрганилган. БМТнинг “Расмий статистика тўғрисида”ги модел қонунидан асос қилинган.</p> <p>Лойиҳанинг хронологияси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 29.08.2019й. (ID-6990) жамоатчилик муҳокамасидан ўтди (6 та таклиф олинди); - 30.10.-25.11.2019й. (ID-9655) 7 та вазирлик ва идора билан келишилди; - 26.11.-14.12.2019й. (ID-10536) Адлия вазирлигидан хулоса олинди келишилди; - 15.12.2019й. (ID-11185) Вазирлар Маҳкамасига киритилган. <p>Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2019 йилдаги 02/9655/1-1394-сон хати билан Президент Администрациясига киритилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармонининг (матнда Дастур) 81-бандига асосан Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини қайта ишлаб чиқиш назарда тутилган.</p> <p>Қонун лойиҳаси Қўмитанинг 2020 йил</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.				<p>29 июлдаги 01/1-04-1-179-сон хати билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасида статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 1-бандига асосан Қонун лойиҳаси август ойида қайта ишланди ва 2020 йил 4-17 август кунлари 01/1-04-15-181-сон хат билан прожест.гов.уз портали орқали вазирлик ва идоралар билан келишувдан ўтказилди, 2020- йил 19 августдаги 01/1-04-15-194-сон хат билан Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юборилди ва ҳуқуқий хулоса (28.08.2020 й. 3/4-0655-сон) олинди.</p> <p>Қўмитанинг 2020 йил 29 августдаги 01/1-04-1-203-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 октябрдаги Раёсат мажлисининг 128-сон баёнига асосан Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди ва мақулланди ҳамда Олий Мажлисга киритилди.</p> <p>Қонун лойиҳаси 2020 йил 19 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 1-ўқишда мақулланди.</p> <p>Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил ноябр ойида биринчи ўқишда, 2021 йил май ойида иккинчи ва учинчи ўқишда қабул қилинди ҳамда Олий Мажлис Сенати томонидан 2021 йил июнь ойида маъқулланди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					“Расмий статистика тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонун 2021 йил 11 августда ЎРҚ-707-сон билан тасдиқланди.
3	<p>3. Давлат статистика қўмитасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:</p> <p>бошқа расмий статистика ишлаб чиқарувчиларнинг статистика методологияларини халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан аудитдан ўтказиш ва аудит натижаларига кўра, вазирлик ва идораларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;</p>	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.	доимий	Д. Закиров	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил учун тасдиқланган графикка асосан Давлат божхона қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказий банк ва Ички ишлар вазирлиги аудитдан ўтказилди.</p> <p>2022 йил учун Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг статистика услубиятларини аудитдан ўтказилди.</p> <p>2023 йил учун Маданият ва туризм вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг статистика услубиятларини аудитдан ўтказилиши режалаштирилган.</p>
4	<p>кузатувларни ўтказиш, расмий статистика материалларини шакллантириш ва таҳлилларни амалга ошириш мақсадида вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан ўзаро электрон боғланиш.</p> <p>Бунда, вазирлик ва идоралар раҳбарлари Давлат статистика қўмитасининг ўз ваколатлари доирасидаги сўровига мувофиқ ўзларининг ахборот тизимларига кириш ва ундан эркин фойдаланишни таъминлаш учун шахсан жавобгардирлар.</p>	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш. Вазирлик ва идораларнинг ички тартиботларини ушбу норма талабларига мослаштириш.	доимий	Ш. Одилов, Ш. Джанадилов	Маълумот ва ижро учун қабул қилинди.

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
5	<p>4. Қуйидагилар:</p> <p>Жаҳон банки кўмагида ишлаб чиқилган 2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) 1-иловага мувофиқ;</p> <p>2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) 2-иловага;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгашининг таркиби 3-иловага;</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгаши тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.</p>	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.	доимий	Д. Закиров	Маълумот ва ижро учун қабул қилинди.
6	<p>5. Вазирлар Маҳкамаси (Ж.А. Қўчқоров):</p> <p>Стратегия ва “Йўл харитаси”нинг тўлиқ бажарилишини ташкил қилсин, белгиланган вазифалар бажарилиши устидан доимий мониторинг ўрнатсин;</p>	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.	доимий	Г. Салихова, О. Мамадалиев, Д. Закиров	Маълумот ва ижро учун қабул қилинди.

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
7	бир ой муддатда Стратегиянинг йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирларнинг бажарилиши учун масъул бўлган манфаатдор вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларидан иборат тармоқ ишчи гуруҳларини шакллантирсин;	Тармоқ ишчи гуруҳларини шакллантириш ва ташкилий муҳокама йиғилишини ўтказиш.	2020 йил 3 сентябрь	О. Мамадалиев	<p>Бажарилган.</p> <p>Стратегиянинг йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирларнинг бажарилиши учун масъул бўлган манфаатдор вазирлик ва идоралардан ташкил топган тармоқ ишчи гуруҳларини шакллантириш бўйича Статистика кенгаши баёни лойиҳаси тайёрланиб, вазирлик ва идорлар билан келишилди ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди (27.08.2020 йил №01/1-06-11/1-191)</p> <p>Натижада, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди ва баёни тасдиқланди (Вазирлар Маҳкамаси, 2020 йил 2 сентябрь № 02-02/1-1721).</p> <p>Муҳокамада 4 та йўналишда (Макроиктисодий статистикани ривожлантириш, Тадбиркорликка оид статистикани ривожлантириш, Ижтимоий статистикани ривожлантириш ва Статистикани тайёрлаш жараёнларига илғор ахборот коммуникацияларини жорий қилиш) тармоқ ишчи гуруҳлари тузилди, улар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар баён қарорида алоҳида белгилаб берилди.</p>
8	Стратегия ва “Йўл харитаси”нинг ижросини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари-нинг ўз вақтида, сифатли тайёрланиши ва белгиланган тартибда киритиб	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида, сифатли тайёрланиши ва белгиланган тартибда	доимий	Д. Закиров, В. Тўхтаев	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 3 августдаги ПҚ–4796-сон қарорига мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	борилишини таъминласин;	киритиб борилишини таъминлаш.			<p>Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва вазирлик идораларга ID-21515-сон рақам билан вазирлик ва идоралар билан келишишган.</p> <p>Адлия вазирлигининг 2020 йил 26 сентябрдаги 3/2-0734-сон ҳуқуқий-экспертиза хулосаси асосида Жамоат муҳокамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳикимликлари билан келишиш учун киритилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 31 июлдаги ПҚ-3165-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида қарори лойиҳаси ID-21237-сон рақами билан вазирлик ва идоралардан келишувдан ўтди ва 4 сентябрда Адлия вазирлигига киритилди.</p> <p>Яқуний ҳужжат лойиҳаси 2020 йил 14 октябрдаги 01/1-04-15-235-сон хати билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган.</p> <p>Натижада, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 690-сон қарори тасдиқланди.</p>
9	Стратегиянинг ижроси юзасидан чора-тадбирларни амалга оширишда Жаҳон банки билан яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйсин ҳамда уларнинг ижроси учун Жаҳон банки томонидан ажратилаётган маблағларнинг	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.	доимий	О. Мамадалиев	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>Жаҳон банки мутасаддилари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилди. Ҳозирда Жаҳон банки бош офиси томонидан маблағларни ажратишга доир ички идоравий ҳужжатлар тайёрланмоқда. Шунингдек, Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда лойиҳа ҳужжатлари ишлаб</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	мақсадли сарфланиши устидан мониторинг ўрнатсин;				<p>чиқилмоқда. 2020 йил декабрь ойининг 4 санасида Жаҳон банки ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги вакиллари иштирокида видеоалоқа орқали муҳокама ўтказилди, лойиҳа паспорти тайёрланиб, қўмитанинг 2020 йил 7 декабрдаги 01/1-06-11/5-269-сон алоқа хати билан расмий тартибда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига киритилди.</p> <p>Шунингдек, лойиҳанинг Техник иқтисодий асослари лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳозирда Жаҳон банки экспертлари билан ишчи тартибда кўриб чиқилмоқда. Келишув якуни билан июн ойида ҳужжат Статистика кенгаши муҳокамасига киритилади ва имзолангандан сўнг белгиланган тартибда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига кўриб чиқиш учун юборилади.</p> <p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2020 йил 25 декабрдаги 06-16-1-14220-сонли хати ҳулосасига мувофиқ, Жаҳон банки экспертлари ёрдамида, лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари (ТИА), шунингдек, “Манфаатдор томонларни жалб қилиш режаси” ишлаб чиқилди, улар Давлат статистика қўмитаси ва Жаҳон банки экспертлари томонидан мунтазам равишда кўриб чиқилади.</p> <p>Ишлаб чиқилган ТИА лойиҳаси Давлат статистика қўмитаси Эксперт гуруҳи ва Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг муҳокамасига тақдим этилди. Муҳокамалардан сўнг, ТИА лойиҳаси якунланди ва охириги талқини 2021 йил 5 июлдаги қўшма баённома қарори билан тасдиқланди.</p> <p>Натижада ТИА лойиҳаси белгиланган</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>тартибда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 07.07.2021 йилдаги 01/1-06-11/5-149-сонли хат билан киритилди.</p> <p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 07.09.2021 йилдаги 06-16-1-09212-сонли хати орқали бир қанча мулоҳазалар берилган.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси Жаҳон банки экспертлари қўмагида техник-иқтисодий асослари лойиҳасини қайта ишлаб тегишли тартибда 2021 йил 24 сентябрдаги 01/1-06-11/5-205-сонли хат билан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тақдим этди.</p> <p>Молия вазирлигининг 2021 йил 25 октябрдаги ЛН40464437-сонли хатида бир қатор таклиф ва мулоҳазалар берилган бўлиб, техник-иқтисодий асосларини қайти ишлаш жараёнида барча таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинди.</p> <p>Лойиҳа Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 27 октябрдаги 06-16-1-11124-сон хати билан қайта кўриб чиқиш учун қайтарилган.</p> <p>Шу билан бирга, Давлат статистика қўмитаси томонидан тегишли фикр-мулоҳазалар қабул қилиниб, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини қайта кўриб чиқилган таҳририни фарқлар жадвали билан бирга Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 2021 йил 10 ноябрдаги 01/1-06-11/5-252-сонли хат билан киритилди.</p> <p>2022 йил 10-11 январь кунлари қарз маблағларини жалб қилиш бўйича музокаралар ўтказилди ва тегишли ҳужжатлар изоланди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>Феврал ойида лойиҳа Жаҳон банки директорлар Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб маъқулланди.</p> <p>Жаҳон банки иштирокидаги “Ўзбекистонда статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилди ва 18 март куни ҳукуматга киритилди.</p> <p>ВМК лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди (2022 йил 18 мартдаги 01/1-06-11/1-61-сон) ва кўриб чиқиш яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасидан фикр-мулоҳазалар олинди (08.08.2022 й. 02/57058/1 -1721-сонли фишка). Асосий эътирозлар лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги билан келишишдан иборат бўлган.</p> <p>Техник-иқтисодий асослаш Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт агентлигига 13.07.2022 йилдаги 01/1-06-11/5-140-сон хати билан келишиш учун тақдим этилган.</p> <p>Лойиҳани яқунлаш бўйича хулосалар Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт агентлигидан 2022 йил 22 июлдаги 01-1-1-677-сон хати билан олинган.</p> <p>Лойиҳа Статистика агентлигининг 06.09.2022 йилдаги 01/1-06-11/5-197-сон ва қўшимча равишда 21.09.2022 йилдаги 01/1-06-11/5-211-сонли хати билан яқуний шакллантирилган ва Халқаро ҳамкорлик ва</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>тараққиёт агентлигига келишиш учун тақдим этилган.</p> <p>2022 йилнинг 13 сентябрь куни Халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт Агентлиги раҳбарияти (директор Ш.Раҳимов) ва унинг масъул ходимлари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги вакиллари билан ишчи йиғилиш ўтказилди. Йиғилишни Ш.Вафоев олиб борди.</p> <p>2023 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигида Жаҳон банки иштирокидаги “Ўзбекистон статистика тизимини мустаҳкамлаш” лойиҳасини амалга оширишда учраётган муаммолар ва уларни бартараф қилишга қаратилган таклифлар атрофича муҳокама қилинди.</p>
10	<p>Стратегия ва “Йўл харитаси”нинг ижро ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратциясига йиллик ахборотларнинг тақдим этиб борилишини таъминласин.</p>	<p>Стратегия ва “Йўл харитаси”нинг ижро ҳолати юзасидан йиллик ахборотларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратциясига киритиб бориш.</p>	<p>ҳар йили январь ойида</p>	<p>Г. Салихова, О. Мамадалиев, Д. Закиров</p>	<p>Стратегия ва “Йўл харитаси”нинг ижроси тўлиқ назоратга олинди, ҳамда ижро ҳолати юзасидан маълумотлар умумлаштириб борилмоқда.</p> <p>Қўмитанинг 2021 йил 4 январьдаги 01/1-01-17-1-сон хати Президент Администратцияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.</p> <p>Қўмитанинг 2021 йил 6 июлдаги 01/1-01-17-113-сон хати Президент Администратцияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.</p>
11	<p>б. Давлат статистика қўмитаси ҳузурида ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланадиган Жамоатчилик кенгаши фаолият юритиши маълумот учун қабул</p>	<p>Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.</p>	<p>доимий</p>	<p>О. Мамадалиев Д. Закиров</p>	<p>Маълумот ва ижро учун қабул қилинди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	<p>қилинсин.</p> <p>Жамоатчилик кенгашига куйидаги қўшимча вазифалар юклансин:</p> <p>Давлат статистика кўмитасининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни ва фойдаланувчиларнинг расмий статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш механизмларини ишлаб чиқиш;</p> <p>статистика маълумотларининг шаффофлиги, ошкоралиги ва қулайлигини оширишни таъминлаш;</p> <p>Давлат статистика кўмитаси томонидан долзарб, сифатли ва ишончли статистика-нинг шакллантирилишига кўмаклашиш;</p> <p>мавжуд статистика маълумотлари ҳақида жамоатчиликнинг хабардорлигини ҳамда уларнинг статистика маълумотларига бўлган ишончини ошириш учун фойдаланувчилар билан яқиндан алоқа ўрнатиш.</p>				
12	<p>7. Давлат статистика кўмитаси:</p> <p>Жамоатчилик кенгаши фаолиятига нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, илмий жамоатчилик,</p>	<p>Жамоатчилик кенгашини янгитдан шакллантириш, фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилий</p>	2020 йил сентябрь ойида	О. Мамадалиев Д. Закиров	<p>Бажарилган.</p> <p>Давлат статистика кўмитасининг 2020 йил 29 сентябрдаги 83-сон буйруғи билан Жамоатчилик кенгашининг таркиби ва унинг Низоми тасдиқланди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	оммавий ахборот воситалари вакилларини, миллий ва халқаро экспертларни жалб қилиш чораларини кўрсин;	йиғилишни ўтказиш.			<p>Давлат статистика қўмитаси ҳузуриданги Жамоатчилик кенгаши томонидан 2018-2019-2020 йиллар давомида бажарилган ишлар юзасидан 2020 йил 9 декабрь куни 01/1-06-11/5-271-сон хат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасига маълумотлар тақдим қилинди.</p> <p>Қўмитанинг 2021 йил 8 сентябрдаги 92-сон буйруғига асосан Жамоатчилик кенгаши таркиби қайта тасдиқланди.</p>
13	манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили 1 декабрга қадар мамлакатда миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини инобатга олган ҳолда Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқсин ва Жамоатчилик кенгашига келишиш учун тақдим этиб борсин;	Ҳар йили ишлаб чиқиладиган Давлат статистика ишлари дастури лойиҳасини келишиш учун Жамоатчилик кенгашига киритиб бориш.	ҳар йили 1 декабрга қадар	Д. Закиров	<p>Бажарилган.</p> <p>2021 йил учун Давлат статистика ишлари дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган.</p> <p>2022 йил учун Статистика дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги 61-сон қарори билан тасдиқланган.</p> <p>2023 йил учун Статистика дастури лойиҳаси 2022 йил 21 ноябрда Жамоатчилик кенгаши томонидан мақулланган.</p>
14	ҳар йили 1 октябрга қадар Давлат статистика ишлари дастурининг бажарилиши натижалари ва статистика соҳасида методологияни такомиллаштириш ҳамда ишларни ташкил этиш борасида олиб борилаётган фаолият самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботнинг Статистика кенгашига киритиб	Давлат статистика ишлари дастурининг бажарилиши юзасидан ҳисоботни Статистика кенгашига киритиб бориш.	ҳар йили 1 октябрга қадар	Д. Закиров	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 30 сентябрдаги 01/2-04-1-219-сон хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “2020 йил учун Давлат статистика ишлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 105-сон қарори билан тасдиқланган Давлат статистика ишлари дастурининг жорий йил январь-сентябрь</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	борилишини таъминласин.				<p>ойларида бажарилиши натижалари, статистика соҳасида услубиётни такомиллаштириш ҳамда ишларни ташкил этиш борасида тизимда олиб борилаётган фаолият самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботни Статистика кенгаши муҳокамасига киритилган.</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 февралдаги “2021 йил учун Давлат статистика ишлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 62-сон Қарори билан тасдиқланган Давлат статистика ишлари дастурининг бажарилиши натижалари, статистика соҳасида услубиётни такомиллаштириш ҳамда ишларни ташкил этиш борасида тизимда олиб борилаётган фаолият самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботлар январь-март ойлари учун Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 16 апрелдаги 01/1-04-01-114-сон, январь-июнь ойлари учун 2021 йил 9 июлдаги 01/1-04-01-180-сон, январь-сентябрь ойлари учун 2021 йил 14 октябрдаги 01/1-04-15-249-сон хатлари билан Статистика кенгаши муҳокамасига киритилган.</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги 61-сон қарори билан тасдиқланган “2022 йил учун Статистика дастури”нинг бажарилиши натижалари, статистика соҳасида услубиётни такомиллаштириш ҳамда ишларни ташкил этиш борасида тизимда олиб борилаётган фаолият самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботлар январь-март ойлари учун Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 8 апрелдаги 01/1-04-1-93-сон, январь-июнь ойлари учун 2022 йил 7 июндаги 01/1-04-01-163-сон, январь-</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					сентябрь ойлари учун 2022 йил 6 октябрдаги 01/1-04-01-251-сон хатлари билан Статистика кенгаши муҳокамасига киритилган.
15	<p>8. Давлат статистика қўмитасига рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш учун 65 та қўшимча штат бирлиги, шу жумладан:</p> <p>марказий аппарат учун – 17 та штат бирлиги;</p> <p>худудий бошқармалар учун – жами 48 та штат бирлиги ажратилсин.</p> <p>Бунда, Давлат статистика қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари бошқарув ходимлари чекланган сонини ошириш давлат солиқ хизмати органлари ходимлари сонини қисқартириш ҳисобига амалга оширилади.</p>	<p>Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.</p> <p>Фаолиятини ташкил этиш мақсадида тегишли буйруқ, бошқарманинг низоми ва ходимларнинг иш тақсимотини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Доимий</p> <p>2020 йил 15 августга қадар</p>	<p>Ж. Ширинов, Қ. Бердикулов</p> <p>Қ. Бердикулов</p>	<p>Бажарилган.</p> <p>2020 йил 10 август ҳолатига Қўмита марказий аппарати ҳамда барча худудий статистика бошқармаларига штат бирликлари тақсимланиб янги бошқарма ва бўлимлар очилиб штатлар жадвали тасдиқланди: марказий аппарат учун – 17 та худудий бошқармаларга – 48 та жами 65 та бошқарув ходимлари қўшилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 11 августдаги 67-сон буйруғи билан бошқарманинг низоми ва ходимларнинг иш тақсимоти ишлаб чиқилиб тасдиқланди.</p>
16	<p>9. Мазкур қарорнинг 5-иловасига мувофиқ рўйхат бўйича вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида идоравий статистика маълумотларини шакллантириш ва Давлат статистика қўмитаси билан ахборот алмашинувини таъминлашга ихтисослаштирилган бўлимни ташкил этсин.</p>	<p>Рўйхатдаги вазирлик ва идоралар томонидан ихтисослашган бўлинмаларни ташкил этиш (ходимларнинг чекланган умумий сони доирасида), марказий аппарат тузилмасига тегишли ўзгартиришлар киритиш, янги ташкил этилаётган бўлимлар</p>	<p>2020 йил 3 сентябрь</p>	<p>З. Талипова</p>	<p>Бажарилган.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси билан ахборот алмашинувини таъминлашга ихтисослаштирилган бўлим ташкил этиши юзасидан рўйхат бўйича вазирлик ва идораларга 2020 йил 25 августда 01/2-21-23/2-223 сонли хати юборилди.</p> <p>Барча вазирлик ва идоралардан жавоб хатлари олинди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
		фаолиятини йўлга қўйиш, натижаси юзасидан Давлат статистика қўмитасига маълумот киритиш.			
17	<p>10. Молия вазирлиги: Давлат статистика ишлари дастурини амалга ошириш учун маблағ ажратишда фойдаланувчиларнинг расмий статистика маълумотларига бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда Статистика кенгаши ва Жамоатчилик кенгаши томонидан шакллантирилган таклифларни инобатга олсин;</p> <p>2020 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасидаги сарф-харажатлар учун Давлат бюджети параметрлари доирасида зарур маблағларни ажратсин ва 2021 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин.</p>	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.	доимий	Ж. Ширинов, Д. Закиров	Ижро учун қабул қилинди ва Молия вазирлиги ҳамда Методология бошқармаси билан биргаликда ҳар йилги Статистика дастури бўйича сметага асосан иш олиб борилади
18	<p>11. Давлат статистика қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:</p> <p>статистика ишлаб чиқарувчиларнинг статистика методологияларини аудитдан ўтказиш тўғрисидаги низом</p>	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 3 октябрь	Д. Закиров, А. Мамаджанов, О. Мамадалиев	<p>Бажарилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 3 августдаги ПҚ–4796-сон қарорига мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Расмий статистика соҳасида</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
	лойиҳасини;				<p>қўлланиладиган услубий асосларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва вазирлик идораларга ID-20515-сон рақам билан вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳамда Адлия вазирлигининг ҳуқуқий-экспертиза хулосаси олинган.</p> <p>Яқуний ҳужжат лойиҳаси 2020 йил 14 октябрдаги 01/1-04-15-235-сон хати билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 690-сон қарори тасдиқланди.</p>
19	қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.	Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил 3 октябрь	В. Тўхтаев	<p>Бажарилган.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 6 октябрдаги 01/1-04-1-228-сонли Вазирлар Маҳкамасига юборган хатига биноан, Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорининг 11-банди 3-хат бошига мувофиқ, қонун ҳужжатлари инвентаризатсиядан ўтказилиб, куйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар таклиф этилади:</p> <p>1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2003- йил 8- январьдаги 8-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 3-модда):</p> <p>а) 4-бандининг биринчи хатбошидаги</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
					<p>“давлат” деган сўзни “расмий” деган сўз билан алмаштириш;</p> <p>б) 5-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этиш:</p> <p>“Статистика кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади”;</p> <p>в) 7-банддаги “минтақавий” сўзини “худудий” сўзи билан алмаштириш.</p> <p>2. Ўз кучини йўқотган деб эътироф этиш:</p> <p>а) Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон қарорига (“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 11 сентябрь, 36-сон, 955-модда) ;</p> <p>б) Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 августдаги 686-сон қарорига 3-илованинг 2-банди;</p> <p>в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида”ги 234-сонли қарори иловасининг 7- банди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 690-сон қарори тасдиқланди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	Ижро ҳолати
20	12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.	доимий	Д. Закиров	Маълумот ва ижро учун қабул қилинди.
21	13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгаши таркиби тўғрисида”ги Ф–1838-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.	доимий	Д. Закиров	Маълумот ва ижро учун қабул қилинди.
22	14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.	Маълумот ва ижро учун қабул қилиш.	доимий	Д. Закиров	Маълумот ва ижро учун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон қарори ижросини
амалга ошириш графигига
илова

**2020 – 2025 йилларда статистикани ривожлантиришнинг миллий
стратегиясини амалга ошириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
I. Ташкилий-ҳуқуқий инфратузилмани такомиллаштириш					
1	Статистика қонунчилигини такомиллаштириш.	<p>Қуйидагиларни назарда тутган ҳолда “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш:</p> <p>ваколатли ва мустақил орган сифатида Давлат статистика қўмитаси мақомини мустаҳкамлаш ва раҳбарларининг ваколатларини кенгайтириш;</p> <p>мамлакатнинг бутун миллий статистика тизимини ташкил этувчи, маълумотларни ишлаб чиқарувчи давлат идораларида статистика бўйича мустақил бўлинмаларни ташкил этиш;</p> <p>давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг маълумотлари ва бошқа ҳужжатларини статистик мақсадларда фойдаланиш учун олиш ва уларга киришни таъминлаш бўйича маълумот</p>	2020 йил август	Д. Закиров	<p>Бажарилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимида (прожест.гов.уз) орқали Вазирлар Маҳкамасининг регламентига мувофиқ вазирлик ва идоралардан келишувдан ўтган (20515-сонли қайд этиш рақами билан 04-17.08.2020й.) ҳамда Адлия вазирлигидан ҳуқуқий хулоса (28.08.2020 й. 3/4-0655-сон) олинган ва 2020 йил 29 август санаси 01/1-4-1-203-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган. Ҳозирги кунда Қонун лойиҳаси Президент Администратцияси томонидан кўриб чиқилган ва Олий Мажлис қонунчилик палатасига киритилган.</p> <p>Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил ноябрь ойида биринчи ўқишда, 2021 йил май ойида иккинчи ва учинчи ўқишда қабул қилинди ҳамда Олий Мажлис Сенати томонидан 2021 йил июнь ойида маъқулланди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		<p>алмашинуви қоидаларини такомиллаштириш; расмий статистика ишлаб чиқарувчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш; рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш ҳамда фуқаролар ва субъектларнинг уларда иштирок этиши ва сўровномаларга жавоб бериш масъулияти бўйича тартибларни киритиш; статистик маълумотларни тарқатиш ва сифатини назорат қилиш тартибларини белгилаш.</p>			
2	Миллий статистика тизимининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш.	Давлат статистика қўмитасининг янгиланган низомини тасдиқлаш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш.	2020 йил сентябрь	Д. Закиров	<p>Бажарилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 3 августдаги ПҚ–4796-сон қарорига мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва вазирлик идораларга ID-21515-сон рақам билан келишилган. Адлия вазирлигининг 2020 йил 26 сентябрдаги 3/2-0734-сон ҳуқуқий-экспертиза хулосаси асосида Жамоат муҳокамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>ва вилоят ҳокимликлари билан келишилган ҳамда Адлия вазирлигининг хулосаси олинган.</p> <p>Якуний ҳужжат лойиҳаси 2020 йил 14 октябрдаги 01/1-04-15-235-сон хати билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 690-сон қарори тасдиқланди.</p>
3	<p>Статистик маълумот ишлаб чиқарувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ишларни такомиллаштириш.</p>	<p>Стратегиянинг йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирларнинг бажарилишига масъул бўлган манфаатдор вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларидан ташкил топган тармоқ ишчи гуруҳларини тузиш.</p>	2020 йил сентябрь	О. Мамадалиев	<p>Бажарилган.</p> <p>Стратегиянинг йўналишлари бўйича тегишли чора-тадбирларнинг бажарилиши учун масъул бўлган манфаатдор вазирлик ва идоралардан ташкил топган тармоқ ишчи гуруҳларини шакллантириш бўйича Статистика кенгаши баёни лойиҳаси тайёрланиб, вазирлик ва идорлар билан келишилди ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди (27.08.2020- йил № 01/1-06-11/1-191).</p> <p>Натижада, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Статистика кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди ва баёни тасдиқланди (Вазирлар Маҳкамаси, 2020 йил 2 сентябрь № 02-02/1-1721).</p> <p>Муҳокамада 4 та йўналишда (Макроиктисодий статистикани ривожлантириш, Тадбиркорликка оид статистикани ривожлантириш, Ижтимоий статистикани ривожлантириш ва Статистикани тайёрлаш жараёнларига илғор ахборот коммуникацияларини жорий қилиш) тармоқ ишчи гуруҳлари тузилди, улар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар баён қарорида алоҳида белгилаб берилди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
4	Миллий статистика тизимига сифатни бошқаришнинг илғор тизимларини жорий этиш.	<p>Фаолиятга сифатни бошқаришнинг илғор тизимларини жорий этиш, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - статистика маълумотларини ишлаб чиқишни БМТ ЕИК томонидан тавсия этилган “Статистик маълумотларнинг универсал модели” (GSIM) асосида йўлга қўйиш; - статистика маълумотларини ишлаб чиқиш жараёнларини, бу борада халқаро даражада тавсия этилган намунавий модел (GSBPM) асосида йўлга қўйилишини таъминлаш; - “Статистика идоралари фаолиятини бошқаришнинг универсал модели” (GAMSO) талабларини ўрганиб чиқиш ва статистика тизими амалиётидаги мавжуд тартиботларни мазкур модел талабларига мослаштириш; - ихтисослашган баҳоловчи компаниялар ва халқаро экспертларни жалб этган ҳолда тизимда сифатни бошқариш бўйича (NQAF талаблари асосида) стандартлар, уларга амал қилиш ҳолати ва халқаро 	<p>2021 йил июль</p> <p>2022 йил январь</p> <p>2022 йил май</p> <p>2022 йилда</p>	<p>Д. Закиров, О. Мамадалиев, Ш. Одилов, тармоқ бошқарма бошлиқлари</p>	<p>Бажарилган.</p> <p>Қўмитанин 2022 йил 26 январьдаги 01/1-04-1-20-сон хати Вазирлар Маҳкамаси юборилди. Ушбу хат орқали қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>Ушбу банд бажарилиши юзасидан Қўмитанин 2021 йил 12 августдаги 79-сон буйруғи қабул қилинган бўлиб, миллий статистика тизимига GSBPM намунавий моделини жорий этиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби ҳамда ушбу моделни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Натижада, 2021 йилнинг 30 сентябрьдаги 99-сон буйруқ билан Статистика маълумотларини ишлаб чиқишнинг миллий модели (кейинги ўринларда – Миллий модел) тасдиқланди.</p> <p>Юқоридаги буйруқлар ижроси натижасида, Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 17 декабрдаги 58-сон қарори билан Миллий модел умумий тузилмасидаги босқич ва жараёнларни тавсифловчи услубий қўлланма тасдиқланди.</p> <p>Мазкур услубий қўлланма Миллий моделнинг умумий тузилмасидаги босқичлар ва жараёнларни тавсифлайди ҳамда миллий статистика тизимининг бир қисми бўлган, расмий статистика соҳасидаги статистика дастурларига мувофиқ статистика маълумотларини тайёрлайдиган расмий статистикани тайёрловчилар томонидан қўлланилиши учун мўлжалланган бўлиб ҳозирги кунда, ушбу услубий қолланма Давлат статистика қўмитаси фаолиятига жорий этилмоқда.</p> <p>“Статистика идоралари фаолиятини бошқаришнинг универсал модели”ни (GAMSO –</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		андозаларга мослиги юзасидан ўрганишларни ташкил этиш, натижада сифат мезонларини таъминланганлигини ифодаловчи ISO сертификатини қўлга киритиш.			<p>Generic Activity Model for Statistical Organisations) жорий этиш мақсадида, Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 27 майдаги 38 сон буйруғи билан "Давлат статистика қўмитаси фаолиятининг миллий модели умумий тузилмаси" тасдиқланди ҳамда уни амалиётга жорий этиш белгиланди. Бундан ташқари, мазкур моделни амалиётга жорий этиш бўйича ишчи гуруҳ тасдиқланди ҳамда тегишли чора-тадбирлар белгиланди.</p> <p>2.4.4-банд ижро муддатини узайтириш юзасидан қўмитанинг 2022 йил 19 декабрдаги 01/1-04-18/2-317-сон хати орқали Адлия вазирлигига узайтириш юзасидан таклиф киритилди.</p>
II. Статистик инфратузилмани такомиллаштириш					
5	Таснифлагичлар ва бошқа инструментарийларни такомиллаштириш.	1. Халқаро стандартларга мувофиқ таснифлагичларни қайта кўриб чиқиш, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа ташкилотлар фаолиятида қўлланилишини таъминлаш;	ҳар йили декабрьга қадар	Д. Закиров, З. Талипова, Х. Жураев, Б. Гайибназаров, тармоқ бошқарма бошлиқлари	<p>Бажарилган.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 27 майдаги 49-сон буйруғига асосан 2021 йилнинг 1 июнидан 25 июнига қадар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида меҳнат статистикасига оид методологиялар аудитдан ўтказилди. Аудит натижасида тузилган далолатномага мувофиқ "Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсияларига мувофиқ, иқтисодий фаолият турлари (ИФУТ-2) бўйича норасмий секторни қўшган ҳолда, бандлик ва ишсизлик, ишланган вақт кўрсаткичлари бўйича статистик ахборот манбаларини яратиш мақсадида, "Ишчи кучи кузатувлари" саволномаси ва танлаш услубиятини такомиллаштириш." бўйича тегишли таклифлар берилди ва 2021 йилнинг 13 июль санасида 01/3-12-17/2-154-сонли расмий хат билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига юборилди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>Мазкур бандда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Давлат статистика қўмитаси томонидан “Ишчи кучи кузатувлари” саволномаси юзасидан халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва хорижий давлатларнинг тажрибалари ўрганиб чиқилиб, саволномани такомиллаштириш юзасидан мавжуд таклифлар 2021 йилнинг 9 декабрь санасида 01/5-12-17/2-289-сонли хат билан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдим этилди.</p>
		2. Илғор халқаро тажрибага мувофиқ, этика Кодекси ва статистика соҳасида илғор амалиётлар Кодексини такомиллаштирилган лойиҳаларини, шу жумладан махфийликни ҳимоя қилишни инobatга олиб, уларни асосий маълумот ишлаб чиқарувчилар билан муҳокама қилиш орқали ишлаб чиқиш;	2021 йил июль		<p>Бажарилган. Миллий статистика тизими доирасида фойдаланиш учун Расмий статистика амалиёти Кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳасини бошқа расмий статистикани тайёрловчилар билан бирга муҳокама қилишни “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонун қабул қилингандан сўнг амалга оширилади.</p>
		3. Маълумотлар соҳасида кўп тилли глоссарий ва луғатларни яратиш, уларни кенг жамоатчиликка етказилишини таъминлаш;	2020 йил август		<p>Бажарилган. Маълумотлар соҳасида кўп тилли глоссарий ва луғатлари яратилди ва уларни кенг жамоатчиликка етказилишини таъминлаш мақсадида Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтыга жойлаштирилди. http://web.stat.uz/search/book_reg/uz/main.ph</p>
		4. Маълумотларни шакллантириш билан шуғулланувчи ташкилотлар мутахассислари малакасини	доимий		<p>Бажарилган. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида, “Статистика асослари” бўйича шартнома асосида</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		мунтазам ошириб бориш.			<p>Ўқитишнинг биринчи босқичида 2021 йилнинг 27–29 январь кунлари қуйидаги вазирлик ва идораларнинг идоравий статистика маълумотларини шакллантириш ва Давлат статистика қўмитаси билан ахборот алмашинувини таъминлаш бўйича ташкил этилган ихтисослаштирилган бўлимлари иқтисодчи ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курси ташкил этилди:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Сув хўжалиги вазирлиги-2 нафар 2. Энергетика вазирлиги -1 нафар 3. Рақамли технологиялар вазирлиги-1 нафар 4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги-1 нафар 5. Транспорт вазирлиги-1 нафар 6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги-2 нафар 7. Давлат активларини бошқариш агентлиги-1 нафар 8. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги – 2 нафар, жами 11 нафар тингловчи иштирок этди.
6	Статистик регистрларни халқаро амалиётга мувофиқ такомиллаштириш.	1. Мавжуд корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базасини такомиллаштириш, ундаги кўрсаткичлар сонини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг маълумот базалари билан интегратсия қилиш.	2021 йил декабрь	Н. Шералиев, Ш. Одилов, Ш. Джанадилов, М. Сатимов	<p>Бажарилган.</p> <p>Қўмитанинг 2021 йил 13 декабрдаги 01/1-18-14/2-283-сон хати Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Ушбу хат асосида қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>1. Мавжуд корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базасини такомиллаштириш, ундаги кўрсаткичлар сонини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг маълумот</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>базалари билан интегратсия қилиш бўйича Техник-топширик ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва Ахборот технологиялари ва коммуникатсияларини ривожлантириш вазирлигининг ижобий хулосаси олинди;</p> <p>2. Корхона ва ташкилотларни ягона давлат регистр базасидаги маълумотларни сўровга асосан интерактив шаклда олиш имконини берувчи электрон хизмат (http://web.stat.uz/search/book_reg/uz/main.php) ишга туширилди. Қўмитанинг веб-сайтида жорий этилган ушбу хизмат ёрдамида иқтисодий фаолият турлари, ҳудудий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари кўрсатган ҳолда юридик шахс шаклидаги субектлар ҳақидаги 8 турдаги очиқ маълумотларни ўрнатилган тартибда онлайн олиш амалиёти жорий этилди.</p>
		<p>2. Илғор ахборот-коммуникатсия технологияларига асосланган ҳолда регистрлар маълумотларини фойдаланувчиларга етказишнинг қулай маълумот тақдим этиш механизмларини жорий этиш.</p>	2020-2021 йилларда		<p>Бажарилган.</p> <p>Қўмитанинг 2021 йил 13 декабрдаги 01/1-18-14/2-283-сон хати Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Ушбу хат асосида қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>1. Мавжуд корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базасини такомиллаштириш, ундаги кўрсаткичлар сонини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг маълумот базалари билан интегратсия қилиш бўйича Техник-топширик ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ва Ахборот технологиялари ва коммуникатсияларини ривожлантириш вазирлигининг ижобий хулосаси олинди;</p> <p>2. Корхона ва ташкилотларни ягона давлат</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>регистр базасидаги маълумотларни сўровга асосан интерактив шаклда олиш имконини берувчи электрон хизмат (http://web.stat.uz/search/book_reg/uz/main.php) ишга туширилди. Қўмитанинг веб-сайтида жорий этилган ушбу хизмат ёрдамида иқтисодий фаолият турлари, ҳудудий мансублиги ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари кўрсатган ҳолда юридик шахс шаклидаги субъектлар ҳақидаги 8 турдаги очиқ маълумотларни ўрнатилган тартибда онлайн олиш амалиёти жорий этилди.</p>
		3. Халқаро тажрибани ўрганган ҳолда бизнес-регистр базасини ишлаб чиқиш ва юритиш учун техник хизмат кўрсатиш тартибларини жорий қилиш.	2021 йил декабрь		<p>Бажарилган.</p> <p>Қўмитанинг 2021 йил 14 декабрдаги 01/1-18-14/2-287-сон хати Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Ушбу хат асосида қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри маълумотлар базасини такомиллаштириш, ундаги кўрсаткичлар сонини кенгайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг маълумот базалари билан интегралсия қилиш бўйича Техник-топшириқ ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Шу билан биргаликда, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ижобий хулосаси ҳам олинди.</p> <p>Мазкур Техник-топшириққа асосан Осиё Тараққиёти Банки мутахассислари билан ҳамкорликда статистик регистрларни такомиллаштириш доирасида янги тизим (Статистик бизнес регистр) ишга туширилди. Ушбу, тизим асосида маълумотлар сифатини ва кўламини ошириш мақсадида иқтисодий</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>бирликларнинг статистик кўрсаткичларини ҳам қамраб олиш имкониятлари яратилди.</p> <p>Такомиллаштирилган Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри асосида “Статистик бизнес регистр” базасини юритиш учун техник хизмат кўрсатиш тартибларини жорий этиш бўйича концепсия ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Мазкур концепсия Статистик бизнес регистр базасини юритиш учун техник хизмат кўрсатиш тартибларини жорий этиш, маъмурий маълумотлар билан биргаликда иқтисодий статистик маълумотларни ҳам ўзида жамлаш, заруратга қараб бошқа вазирлик ва идораларнинг маъмурий маълумотлар базалари билан интегралсия қилиш талабларини ўз ичига олган.</p>
		4. Бизнесни рўйхатга олишни ташкил этиш юзасидан ҳуқуқий асосларни яратиш ва тадбирларни ташкил этиш.	2023-2024 йилларда		<p>Бажарилмоқда.</p> <p>Статистика агентлиги томонидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини халқаро амалиётга мувофиқ такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар амалга оширилмоқда. Хусусан, аутсорсинг асосида ташқаридан малакали мутахассисларни шартнома асосида жалб қилиш йўли билан КТЯДР ахборот тизимини такомиллашган янги кўринишини ишлаб чиқиш юзасидан Статистика агентлигининг 2023 йил 31 октябрдаги 75-сон буйруғи тасдиқланди. Ушбу буйруққа асосан Агентликнинг расмий веб-сайтида ахборот тизимини янги кўринишини ишлаб чиқиш бўйича малакали мутахассисларни жалб қилиш юзасидан эълон жойлаштирилди ҳамда талабгорлар орасидан малакали мутахассисларни танлаб олиш юзасидан конкурс ўтказилди.</p> <p>Ҳозирги кунда, ахборот тизимини</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>такомиллашган янги кўринишини яратиш бўйича Техник топириқ ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу техник топшириққа асосан, 2024 йил давомида халқаро тажрибага асосланган, бизнес регистр талабларига тўла жавоб берадиган корхоналар ташкилотларнинг ягона давлат регистрининг янгиланган кўриниши ишлаб чиқилади ва амалиётга татбиқ этилади.</p> <p>Шунингдек, янги КТЯДР тизимида кўрсаткичлар сонини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идораларнинг маълумот базалари билан интеграция қилиш ишлари амалга оширилади.</p>
		5. Бизнесни рўйхатга олиш тадбирлари якуни бўйича бизнес-регистрларни ишга тушириш.	2025 йил июль		Бажарилмоқда.
7	Сўровномаларни ишлаб чиқиш жараёнлари ва танланма усулларини такомиллаштириш.	1. Қоғоз ва электрон кўринишдаги саволномалар, юзма-юз интервьюлар ва автоматлаштирилган телефон орқали интервьюларини ўз ичига олган турли шакллар учун саволномалар ишлаб чиқиш бўйича кўрсатма ва механизмларни ишлаб чиқиш.	2021 йил сентябрь	Д. Закиров, Ш. Одилов, Ш. Джанадилов, тармоқ бошқарма бошлиқлари	Бажарилган. Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 17 ноябрдаги 40-сон қарорига асосан жами 28 та танланма статистика кузатуви шакллари (сўровнома ва саволнома шаклида) ҳамда Қўмитанинг 2020 йил 29 декабрдаги 127-сон буйруғи билан қўшимча 2 та нарх статистикасига оид статистика сўровнома шакли тасдиқланган. Юқоридаги барча статистика кузатув шакллари таркибида ҳамда уларни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом ва йўриқномаларида ушбу танланма кузатув шаклларини тўлдириш ва ўтказиш бўйича кўрсатмалари ва механизмлари мавжуд бўлиб, уларни ўтказиш тартиб қоидалари акс эттирилган ва доимий равишда янгиланган борилмоқда ҳамда Қўмитанинг

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>расмий веб-сайтидаги https://lib.stat.uz/uz/ манзилида жойлаштириб борилмоқда. Жами танланма кузатувлардан 16 таси Қўмитанинг жойлардаги статистика органлари томонидан бевосита респондентлар билан юзма-юз савол-жавоб ўтказиш орқали маълумотларни планшет қурилмалари ва уларга ўрнатилган махсус дастурий таъминотларга киритиш орқали йиғилиб келинмоқда. Бундан ташқари, 10 та танланма кузатув шакллари 2021 йилнинг феврал ойига қадар “eStat 3.0” ахборот тизими орқали тегишли тармоқ бошқармалари томонидан махсус усуллар билан танлаб олинган корхона ва ташкилотлардан кузатув шакллари асосан уларнинг ўзлари томонидан тўлдирилган маълумотларни қабул қилиш орқали йиғилган. Жорий йилнинг март ойидан бошлаб ушбу танланма кузатувларнинг барчасини қабул қилиш янги веб-технологияга асосланган замонавий автоматлаштирилган ахборот тизими “eStat 4.0” орқали танланма кузатув маълумотларини йиғишга ўтилди.</p> <p>Веб-технологиядан фойдаланиш орқали фойдаланувчилар тизимини ишга туширишда сарфланадиган вақти тизимининг аввалги талқини билан солиштирганда 10 карра қисқартиришга эришилди. Шунингдек, қолган 4 та танланма кузатув шакллари бевосита Қўмитанинг ҳудудий статистика бошқармаларида фаолият юритадиган интервьюерлар томонидан уй хўжаликлари билан юзма-юз интервью ўтказиш орқали планшет қурилмаларидан фойдаланган ҳолда танланма кузатув ташкил этиб келинмоқда. Жумладан, Қўмитанинг 2020 йил 27 ноябрдаги 41-сонли</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>қарори билан Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низом ҳамда Қўмитанинг 2021 йил 26 февралдаги 3 сонли қарори билан Уй хўжаликларида танланма кузатувларни ўтказиш бўйича интервьюерлар учун қўлланма тасдиқланган. Бундан ташқари, уй хўжаликларида ўтказиладиган танлама кузатувлар сифатини янада ошириш учун электрон қурилма(планшет)лар ёрдамида кузатув ўтказишни ташкил этиш бўйича Қўмитанинг 2021 йил 11 мартда 24-сонли буйруғи қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга асосан уй хўжаликлари кузатувларини қоғоз шаклида ўтказишдан воз кечилиб, тўлиқ электрон кўринишда, яъни планшет қурилмалари орқали юзма-юз интервьюлар ташкил этиш орқали ўтказишга ўтилди. Шунингдек, Давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказиладиган айрим соҳаларнинг танланма кузатувларини планшетда ўтказиш йўлга қўйилган ва улардаги дастурий таъминотларга патентлар расмийлаштирилган. Танланма статистик кузатувларни планшетда ўтказиш жараёнларининг техник таъминоти учун 1 та сервер қурилмаси (марказий аппарат учун) ва 578 та планшет қурилмалари ҳарид қилинган. Маълумот йиғишнинг замонавий усулларида бири телефон орқали сўровлар ташкил этиш бўйича ўтган 2020 йилнинг 2-чорагидан бошлаб, яъни республикадаги пандемия шароитидан келиб чиқиб, илк бор айрим тармоқ статистика бошқармалари томонидан кичик-тадбиркорлик субъектларининг оператив маълумотларини йиғишга қаратилган телефон орқали сўровлар синовдан ўтказилди. Келажакда хорижий</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					тажрибани ўрганган ҳолда махсус саволнома ва дастурлар тузиш орқали ушбу йўналишдаги кузатувлар кўламини кенгайтириш белгилаб олинган.
		2. Статистик регистрларда режалаштирилган янгиланишлар ва ишланмаларни ҳисобга олган ҳолда корхоналар ва уй хўжаликлари кузатув-лари танланмаларини такомиллаштириш.	ҳар йили		<p>Бажарилган.</p> <p>Қўмитанинг 2021 йил 23 декабрдаги 01/1-04-01-316-сон хати Вазирлар Маҳкамасига, Ҳисоб палатасига ҳамда Адлия вазирлигига тақдим этилди. Ушбу хат асосида қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>Уй хўжаликлари, корхоналар ва қишлоқ хўжалигининг танланма кузатувлари расмий статистика маълумотларини тузишда асосий воситалардан бири ҳисобланади. Танланма кузатув шакллари рўйхати ҳар йили статистика дастурлари доирасида тасдиқланади (<i>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 2 декабрдаги 53-сон қарори билан 2022 йил учун танланма статистика кузатувлари шакллари тасдиқланган</i>).</p> <p>Аҳолининг турмуш даражаси тўғрисида статистик маълумотларни олиш учун уй хўжалиқларининг танланма кузатувлари ўтказилади. Кластер танловининг табақалаштирилган икки босқичли тузилиши қўлланилади, яъни бирламчи уй хўжалиқларининг танланмаси йилига 2 марта ва бирламчи танланма бирликларидан уй хўжалиқларининг танланмаси ҳар ой 100% ротатсия билан амалга оширилади.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси йилига икки марта фермер хўжалиқларини танланма кузатувини ўтказди ва танланмада мавжуд фермер хўжалиқларининг 10 фоизини ва деҳқон (томорқа)</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>хўжаликларининг 0,5 фоизини қамраб олади.</p> <p>Кичик корхоналар ва микрофирмалар танланма кузатувлари кичик бизнесни ривожлантириш статистикасини тузишда қўлланилади. Ишбилармонлик кузатувлари ҳар чорақда характерга кўра (даромадли фирмалар, даромадсиз фирмалар, янги ташкил этилган фирмалар) турли сўровномалар ёрдамида ўтказилади ва танлов табақалаштирилган тасодифий танланмага асосланади. Бунда танланма тузилмаси бир-бирини истисно қилувчи ва бир-бирини тўлдирувчи кичик гуруҳларга (қатламларга) бўлинади ва битта кичик гуруҳга тегишли бўлади. Ҳар бир қатлам учун ўрганиладиган кичик ва микрофирмаларнинг умумий сони (танланма ҳажми) махсус дастурий таъминот ёрдамида аниқланади. Танланма ҳажми 5% дан 45% гача.</p> <p>Бундан ташқари, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар чорақда савдо, хизмат кўрсатиш, саноат ва транспорт соҳаларидаги яқка тартибдаги тадбиркорлар ўртасида танланма кузатувлар ўтказилади.</p> <p>Танланма кузатув саволларини тайёрлаш жараёнида Давлат статистика қўмитасининг барча бўлинмаларининг эҳтиёжлари, шу жумладан миллий ҳисобларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинади. Ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий йўналиши бўлганлиги сабабли, ҳудудий бирликларнинг (вилоятлар, туманлар) ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда услубият ва танланма усулларини такомиллаштириб борилмоқда.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг:</p> <p>2020 йил 27 ноябрдаги 41-сонли қарорига асосан “Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низом” такомиллаштирилди. Хусусан, Низом билан аҳоли турмуш даражаси тўғрисида статистик маълумотлар олиш мақсадида уй хўжаликларида танланма усулда кузатувларни электрон қурилма (планшет)ларда ўтказиш ва ташкил этиш тартибини белгиланди. Шунингдек, уй хўжаликлари танланма кузатувлари учун респондентларни танлаб олиш бўйича махсус дастурий таъминот ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастурий таъминот амалиётга жорий этилди.</p> <p>2020 йил 30 ноябрдаги 46-сонли қарорига асосан “Товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом” асосида Савдо ва пуллик хизмат соҳаси объектларини танлаш усули такомиллаштирилган. Хусусан, нархлар кузатуви учун савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини танлашда Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (КТЯДР) маълумотлари, шунингдек, мавжуд статистик ҳисобот (товарлар ва хизматларни сотишдан тушган тушум, сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар таркиби ва бошқалар) маълумотларидан фойдаланилиши белгиланди;</p> <p>2021 йил 27 январдаги 1-сон қарор билан тасдиқланган “Фермер хўжаликлари танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низом” билан кузатувлар йилда икки</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>марта 1 апрель (биринчи кузатув даври) ва 1 октябрь (иккинчи кузатув даври) ҳолатига кўра республиканинг фермер хўжаликлари мавжуд бўлган барча туман ва шаҳарларида ўтказилиши ҳамда биринчи даврда танланма тўпламга киритилган хўжаликлар иккинчи даврда танланма тўпламга киритилмаслиги ва фермер хўжаликлари, агар туман ёки шаҳар бўйича мавжуд хўжаликлар сони белгиланган сондан кам бўлса, кузатувларда такроран иштирок этиши белгиланди (яъни низомнинг фермер хўжаликлари танланма тўпламини шакллантириш бўйича 2-боби сезиларли даражада такомиллаштирилди);</p> <p>2020 йил 29 август 30-сон қарорига асосан “Кичик корхона ва микрофирмалар танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Услубий низом” билан 4-КБ кузатув "Кичик корхона ва микрофирманинг фаолияти тўғрисида сўровнома" шакли танланма кузатуви ҳар чоракда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ўтказилиши белгиланди. Шунингдек, кичик корхоналар ва микрофирмалар танлови асосини шакллантириш Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (кейинги ўринларда - КТЯДР) ҳамда 1-КБ (йиллик) "Микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи" маълумотларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Ҳар йили: танланма кузатув йилининг 1 март ҳолатига бўлган КТЯДРдан ўтган йилнинг 1 октябригача ташкил этилган, мазкур Услубий низомнинг 4-бандида белгиланган мезонларга мос келувчи барча фаолият кўрсатаётган юридик шахслар жамланмаси ҳамда ўтган йилнинг октябрь-декабрь</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>ойларида ва танланма кузатув йилининг январь-феврал ойларида янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмалар жамланмаси; танланма кузатув йилининг 1 июнь, 1 сентябрь, 1 октябрь ҳолатига бўлган КТЯДРдан - ўтган йилнинг октябрь-декабрь ойларида ва танланма кузатув йилида 1 октябргача янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмалар жамланмаси танлаб олиниши белгиланди;</p> <p>2021 йил 26 февралдаги 4-сон қарори билан тасдиқланган “Чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувларини ўтказиш тартиби”га савдо майдончаларининг ёпилиши ёки товарлар ассортиментини ўзгариши ҳолати юзага келганда, кузатув учун танланган бозор ва савдо комплексларидаги савдо майдончалари рўйхатига ҳар йилнинг 1 февралгача аниқлик киритилиши кераклиги ва савдо объектларини танлаш ҳудудий статистика органлари томонидан амалга оширилиши, бунда уларга танловда муайян эркинлик берилиши, бироқ улар муайян мезонларга амал қилган ҳолда объектлар рўйхатини Давлат статистика қўмитаси билан келишиб олишлари белгилаб олинди;</p> <p>2020 йил 28 декабрдаги 52-сон қарори билан тасдиқланган “Бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тартиб”га ҳар бир туман (шаҳар) бўйича танланма миқдори рўйхатдан ўтган бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахсларнинг танланма</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>кузатувни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тавсияларда белгиланган ҳисоблаш услубига кўра мос тўпламнинг 30 % ини ташкил этиши белгиланди;</p> <p>2020 йил 28 декабрдаги 51-сон қарори билан тасдиқланган “Шахсий автотранспорт эгаларининг ташиш фаолиятини танланма кузатувини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тартиб”да статистика кузатуви ўтказиладиган объектларни танлаб олишни шакллантириш ишларини бир нечта босқичда амалга оширилиши белгиланди:</p> <p>а) биринчи босқичда ҳудудий статистика бўлимлари томонидан ҳар бир аҳоли пункти бўйича автотураргоҳлар жойининг ялпи ҳисоби ўтказилади юк ёки йўловчи автомобиллари ҳамда шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўналишлардаги ташиш хизматлари;</p> <p>б) иккинчи босқичда кузатув жойлари кўйидаги ташиш хизматларини кўрсатувчилар гуруҳларига бўлинади: шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларидаги юклар; шаҳарлараро йўналишларидаги юклар; шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларидаги йўловчилар; шаҳарлараро йўналишларидаги йўловчилар;</p> <p>с) учинчи босқичда юқорида қайд этилган ташиш хизматларини кўрсатувчилар гуруҳи бўйича ҳар бир ҳудуд бўйича кузатув объектларини танлаш ҳолис танлов асосида амалга оширилиши белгиланди.</p> <p>Шу билан бирга, жамоат транспорти тўхташ жойларида, бозор ва темир йўл станцияларига яқин жойларида, аэропортдаги автотураргоҳларда, савдо</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					марказларида, жамоат жойларида, кўп қаватли уйлар ёнида ва бошқа аҳоли гавжум бўлган жойларда ташиш фаолияти билан шуғулланадиган (рухсатномага эга бўлган ва эга бўлмаганлар) барча шахсларнинг 30 % дан кўп бўлмаган қисми камраб олиниши белгиланди.
8	Мавсумий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда мослаштирилган, юқори частотали вақтлар қаторлари бўйича маълумотларни ишлаб чиқариш амалиётини такомиллаштириш.	1. Курилиш ишлари динамикасини дискрет асосида аниқлашда мавсумийлик омилининг статистик ҳисоби бўйича такомиллаштирилган услубий низомни ишлаб чиқиш.	2020-2021 йилларда	М. Жамолов, Б. Иргашев, А. Мирзахидов, С. Жураев, Ш. Фуломов	<p>Бажарилган. Кўмитанинг 2021 йил 9 декабрдаги 01/1-08-15/1-175-сон хати Вазирлар Маҳкамасига юборилди. Ушбу хат асосида қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>1. 2019 – 2021 йиллар бўйича ойлик даврийликда корхона турлари бўйича ва иқтисодий фаолият турлари бўйича курилиш ишлари тўғрисидаги дискрет маълумотлар вақт қатори яратилиб, ХВЖ эксперти тавсиялари асосида “Бенчмаркинг” усули ёрдамида яратилган вақт қаторларига тебранишларни инобатга олган ҳолда тузатишлар киритилган маълумотлар шакллантирилди;</p> <p>2. 2019 йил ўртача нархларини асос қилиб олиниб, 2019–2021 йиллар бўйича ойлик ва чораклик кўрсаткичлар базавий йил – 2019 йил ўртача нархлари асосида таққослама нархларга ўтказиб чиқилди. Мазкур таққослама нархлардаги чораклик ва ойлик кўрсаткичлар бўйича ўсиш суръатлари ҳамда дефляторлар шакллантирилди;</p> <p>3. Халқаро йўриқномаларни ўрганиш ва Ўзбекистон Республикаси амалиётидан келиб чиққан ҳолда “Курилиш ишлари динамикасини дискрет асосида аниқлашда мавсумийлик омилининг статистик ҳисоби бўйича услубий низом”га Давлат статистика кўмитасининг 2021</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>йил 29 ноябрдаги 52- сон қарори билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритлган ҳолда такомиллаштирилди.</p>
		<p>2. Ойлик ва чораклик асосда ишлаб чиқиладиган савдога оид статистик кўрсаткичларни мавсумий силлиқланиши бўйича услубий низомни такомиллаштириш.</p>			<p>Бажарилган. Кўмитанинг 2021 йил 17 декабрдаги 01/1-09-15/2-235-сон хати Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Ушбу хат асосида қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>Халқаро тавсия ва тажрибалар ўрганиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганлигини инобатга олиб ойлик ва чораклик асосда ишлаб чиқиладиган савдога оид статистик кўрсаткичларни мавсумий силлиқланиши бўйича услубий низом такомиллаштирилди ва Давлат статистика кўмитасининг 2021 йил 31 августдаги 34-сон қарори билан амалиётга жорий этилди.</p> <p>Мазкур услубий низомга савдога оид статистик кўрсаткичларни мавсумий силлиқланиши бўйича алгоритмлар ва схема чизмалар ҳамда бир қатор қўшимчалар киритилди, жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - вақт қаторлари компонентлари тренд тузилмалари, мавсумий компонентлар ва тартибсиз компонентлардан таркиб топган схема; - чиқиб кетишлар кўринишининг графиги; - салендар ўзгарувчилари ўн хил турдаги регрессорлари; - салендар ўзгарувчан регрессия ҳисоби алгоритми ишлаб чиқилди.

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		3. Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматлари динамикасини дискрет асосида аниқлашда мавсумийлик омилининг статистик ҳисоби бўйича услубий низомни такомиллаштириш.			<p>Бажарилган. Кўмитанинг 2021 йил 31 августдаги "Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор хизматлари динамикасини дискрет асосида аниқлашда мавсумийлик омилининг статистик ҳисоби бўйича услубий низом тасдиқлаш тўғрисида"ги 35-сон қарои тасдиқланди.</p>
		4. Саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индексини ҳисоблаш бўйича услубий низомни такомиллаштириш. (С.Жураев)			<p>Бажарилган. Саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индексини ҳисоблаш бўйича услубий низомни такомиллаштирилди ҳамда Давлат статистика кўмитасининг 2021 йил 28 октябрдаги “Саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги 43-сон қарори билан тасдиқланди.</p>
		5. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматлар динамикасини соф чораклар асосида аниқлашда мавсумийлик омилининг ҳисобга олиш бўйича услубий низомни такомиллаштириш.			<p>Бажарилган. Кўмитанинг 2021 йил 10 декабрдаги 01/1-11-22-204-сон хати Қишлоқ Хўжалиги вазирлигига тақдим этилди. Ушбу хат асосида қуйидагилар маълум қилинди. Мазкур топшириқ ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш мақсадида, Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидан, халқаро ташкилотларнинг тавсияларидан, шунингдек, МДХ давлатлари тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, амалдаги “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини ҳисоблаш бўйича Услубий низом” қайта кўриб чиқилди ҳамда такомиллаштирилди. Жумладан, услубий низомга қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини дискрет (соф) чораклар</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>асосида ҳисоблаш бўйича алоҳида боб киритилди.</p> <p>Мазкур бобда, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини соф чораклар асосида ҳисоблашда фойдаланиладиган ахборотлар манбаи, соф чораклар бўйича жорий ва таққослама нархларда ҳисоблаш усуллари ҳамда ахборотларни шакллантириш юзасидан батафсил маълумотлар киритилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 28 июлдаги “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини ҳисоблаш бўйича Услубий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 26-сон қарори билан услубий низом тасдиқланди.</p> <p>Ушбу низом Давлат статистика органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2)нинг А сексияси “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги” бўйича жорий ва таққослама нархларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини чораклик ва йиллик ҳисоблашларни дискрет чораклар асосида йил бошидан ўсиб боровчи яқунда ҳисоблашда фойдаланиш учун мўлжалланган.</p>
9	Вақт қаторларини таҳлил қилиш, мавсумий тузатиш усуллари ва маълумотларни қайта кўриб чиқиш сиёсатини жорий	1. Максимал узоқ вақт кесимида дискрет кўрсаткичларнинг вақт қаторларини яратиш.	2021 йил давомида	А. Мамаджанов, тармоқ бошқарма бошлиқлари М. Жамолов, Б. Иргашев, С. Жўраев,	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>Жаҳон банки мутасаддилари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилди. Ҳозирда Жаҳон банки бош офиси томонидан маблағларни ажратишга доир ички идоравий ҳужжатлар тайёрланмоқда. Шунингдек, Жаҳон банки экспертлари билан ҳамкорликда лойиҳа ҳужжатлари ишлаб</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
	қилиш.			Ш. Ғуломов, А. Мирзахидов	<p>чиқилмоқда. 2020 йил декабрь ойининг 4 санасида Жаҳон банки ва Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги вакиллари иштирокида видеоалоқа орқали муҳокама ўтказилди, лойиҳа паспорти тайёрланиб, кўмитанинг 2020 йил 7 декабрдаги 01/1-06-11/5-269-сон алоқа хати билан расмий тартибда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига киритилди.</p> <p>Шунингдек, лойиҳанинг Техник иқтисодий асослари лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳозирда Жаҳон банки экспертлари билан ишчи тартибда кўриб чиқилмоқда. Келишув якуни билан июн ойида ҳужжат Статистика кенгаши муҳокамасига киритилади ва имзолангандан сўнг белгиланган тартибда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига кўриб чиқиш учун юборилади.</p> <p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2020 йил 25 декабрдаги 06-16-1-14220-сонли хати ҳулосасига мувофиқ, Жаҳон банки экспертлари ёрдамида, лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари (ТИА), шунингдек, “Манфаатдор томонларни жалб қилиш режаси” ишлаб чиқилди, улар Давлат статистика кўмитаси ва Жаҳон банки экспертлари томонидан мунтазам равишда кўриб чиқилади.</p> <p>Ишлаб чиқилган ТИА лойиҳаси Давлат статистика кўмитаси Эксперт гуруҳи ва Давлат статистика кўмитаси ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг муҳокамасига тақдим этилди. Муҳокамалардан сўнг, ТИА лойиҳаси яқунланди ва охириги талқини 2021 йил 5 июлдаги қўшма баённома қарори билан тасдиқланди.</p> <p>Натижада ТИА лойиҳаси белгиланган</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>тартибда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 07.07.2021 йилдаги 01/1-06-11/5-149-сонли хат билан киритилди.</p> <p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 07.09.2021 йилдаги 06-16-1-09212-сонли хати орқали бир қанча мулоҳазалар берилган.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси Жаҳон банки экспертлари кўмагида техник-иқтисодий асослари лойиҳасини қайта ишлаб тегишли тартибда 2021 йил 24 сентябрдаги 01/1-06-11/5-205-сонли хат билан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тақдим этди.</p> <p>Молия вазирлигининг 2021 йил 25 октябрдаги ЛН40464437-сонли хатида бир қатор таклиф ва мулоҳазалар берилган бўлиб, техник-иқтисодий асосларини қайти ишлаш жараёнида барча таклиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинди.</p> <p>Лойиҳа Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 27 октябрдаги 06-16-1-11124-сон хати билан қайта кўриб чиқиш учун қайтарилган.</p> <p>Шу билан бирга, Давлат статистика қўмитаси томонидан тегишли фикр-мулоҳазалар қабул қилиниб, лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини қайта кўриб чиқилган таҳририни фарқлар жадвали билан бирга Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 2021 йил 10 ноябрдаги 01/1-06-11/5-252-сонли хат билан киритилди.</p> <p>2022 йил 10-11 январь кунлари қарз маблағларини жалб қилиш бўйича музокаралар ўтказилди ва тегишли ҳужжатлар изоланди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		2. Барча асосий кўрсаткичлар бўйича субйиллик дискрет маълумотларга мавсумий тузатишлар киритиш усулини жорий қилиш.	2022 йилдан бошлаб		<p>Бажарилган.</p> <p>Қўмитанин 2021 йил 24 декабрдаги 01/1-03-01-82-сон хати Вазирлар Маҳкамаси юборилди.</p> <p>Ушбу хат орқали қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>1. “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини ҳисоблаш бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди (Қўмитанинг 2021 йил 28 июлдаги 26-сон қарори) ва ушбу низомнинг “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавсумийлиги” ҳамда “Чораклик ҳисобланган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмлари ва индексларига тузатишлар киритиш” боблари асосида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ишлаб чиқаришининг дискрет маълумотларига мавсумий тузатишлар киритиш бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилди.</p> <p>2. “Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан, қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматларнинг статистик ҳисоби бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди (Қўмитанинг 2020 йил 27 августдаги 28-сон қарори). Мазкур услубий низомнинг “Мавсумий ўзгаришларни ўтказиш усули” боби асосида хизмат кўрсатишга доир дискрет кўрсаткичларнинг вақт қаторларига мавсумий тузатишлар киритиш бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилди.</p> <p>3. “Ойлик ва чораклик асосда ишлаб чиқиладиган савдога оид статистик кўрсаткичларни мавсумий силлиқланиши бўйича</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>услугий низом” такомиллаштирилган ҳолда қайта ишлаб чиқилди (Қўмитанинг 2021 йил 31 августдаги 34-сон қарори). Мазкур услубий низомга мувофиқ савдо статистикасига оид дискрет кўрсаткичларнинг вақт қаторларига мавсумий тузатишлар киритиш бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилди.</p> <p>4. “Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажм индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди (Қўмитанинг 2021 йил 28 октябрдаги 43-сон қарори). Мазкур услубий низомнинг “Мавсумий ўзгаришларни ўтказиш усули” боби асосида саноат ишлаб чиқариши бўйича дискрет кўрсаткичларнинг вақт қаторларига мавсумий тузатишлар киритишга доир ҳисоб-китоблар амалга оширилди.</p> <p>5. “Қурилиш ишлари динамикасини дискрет асосида аниқлашда мавсумийлик омилининг статистик ҳисоби бўйича услубий низом” тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали такомиллаштирилди (Қўмитанинг 2021 йил 29 ноябрдаги 52-сон қарори). Мазкур услубий низомга мувофиқ бажарилган қурилиш ишлари билан боғлиқ дискрет кўрсаткичларнинг вақт қаторларига мавсумий тузатишлар киритиш бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилди.</p> <p>6. Барча асосий кўрсаткичлар бўйича субйиллик дискрет маълумотларга мавсумий тузатишлар киритиш усулини жорий қилиш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари юзасидан тайёрланган маълумотнома Қўмитанинг 2021 йил 23 декабрдаги 01/1-03-01-82-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					Маҳкамасига тақдим этилди.
		3. Мавжуд индекслар ва дефлятсия усулларини такомиллаштириш.	2022 йил январь		<p>Бажарилган.</p> <p>Қўмитанин 2021 йил 24 декабрдаги 01/1-03-01-82-сон хати Вазирлар Маҳкамаси юборилди.</p> <p>Ушбу хат орқали қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>1. 2021 йилнинг 12-16 июль кунлари Давлат статистика қўмитасида ишлаб чиқарувчилар нархлари индексларини ҳисоблашни такомиллаштириш бўйича ХВЖнинг техник кўмак миссияси ташкил этилди. Миссия тавсиялари асосида “Ишлаб чиқарувчиларнинг саноат маҳсулотлари нархлари индексларини ҳисоблаш бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди (Қўмитанинг 2021 йил 19 ноябрдаги 44-сон қарори). Натижада ишлаб чиқарувчиларнинг саноат маҳсулотлари нархлари бўйича мавжуд индекслар ҳамда ушбу индекслар ёрдамида саноат маҳсулотлари ҳажмини дефлятсия қилиш усуллари такомиллаштирилди.</p> <p>2. 2021 йилнинг 15-19 март кунлари Давлат статистика қўмитасида экспорт-импорт товарлар нархлари индексларини ҳисоблашни такомиллаштириш бўйича ХВЖнинг техник кўмак миссияси ташкил этилди. Миссия тавсиялари асосида “Экспорт ва импорт нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди (Қўмитанинг 2021 йил 23 ноябрдаги 47-сон қарори). Мазкур услубий низом асосида, 2020 йил якунлари бўйича экспорт-импорт нархлари индексларини ҳисоблашда товарлар тўплами қайта</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>кўриб чиқилди ҳамда тўпламдаги 800 га яқин корхоналар сонини 2500 тагача кенгайтириш орқали мавжуд индекслар такомиллаштирилди.</p> <p>3. ХВЖнинг 12-16 июль кунлари ташкил этилган техник кўмак миссияси доирасида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индексларини шакллантириш масалалари кўриб чиқилди. ХВЖ экспертлари томонидан билдирилган тавсиялар асосида “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар нархлари индексларини ҳисоблаш бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди (Кўмитанинг 2021 йил 23 ноябрдаги 48-сон қарори). Натижада қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини доимий нархларда баҳолаш бўйича мавжуд индекслар ва дефлятсия усуллари такомиллаштирилди.</p> <p>4. “Уй-жой нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди (Кўмитанинг 2021 йил 7 декабрдаги 54-сон қарори) ва мазкур услубий низом асосида уй-жой нархлари бўйича мавжуд индексларни ҳисоблаш амалиёти такомиллаштирилди.</p> <p>5. “Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажм индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди (Кўмитанинг 2021 йил 28 октябрдаги 43-сон қарори). Мазкур услубий низомга мувофиқ саноат ишлаб чиқариш ҳажмларини дефлятсия қилиш усули ёрдамида доимий нархларда баҳолаш амалиёти такомиллаштирилди.</p> <p>6. Мавжуд индекслар ва дефлятсия</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>усулларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари юзасидан тайёрланган маълумотнома Қўмитанинг 2021 йил 24 декабрдаги 01/1-03-01-82-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.</p> <p>Ҳужжатлар тўплами (ВМ Қарори лойиҳаси, лойиҳанинг ТИАси ва бошқа зарур ҳужжатлар) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси эътирозлари асосида қайта кўриб чиқилиб 2022 йил 26 сентябрдаги 01/1-06-11/1-219 сон хат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва 2022 йил 26 сентябрдаги 01/1-06-11/1-220 сон хат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Бош вазири котибяти раҳбарининг 12/59931/1-558-сон топшириғига биноан, лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-269-сон ва 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон Фармонлари талабларидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқилди ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига (2023 йил 22 сентябрдаги 01/1-06-11/5-257-сонли хат ID:86416) келишиш учун юборилди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
10	ХВФнинг маълумотларни тарқатишнинг илғор тизимларига уланиш.	Ўзбекистон Республикасини ХВЖнинг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизимидан (e-GDDS) Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандартига (SDDS) ўтиш.	2021-2022 йилларда, ХВФнинг тартиботларига мувофиқ	О. Мамадалиев	<p>Бажарилган.</p> <p>Қўмитанинг 2022 йил 19 декабрдаги 01/1-06-11/1-294-сон хати Вазирлар Маҳкамасига, Ҳисоб палатасига ҳамда Адлия вазирлигига тақдим этилди.</p> <p>Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида 2021-йилнинг март ойида Халқаро валюта жамғармасининг мультидиагностик миссияси ташкил этилган ва унинг якуни бўйича таклиф этилган “Йўл харитаси” ижро учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 02/104-41-сон топшириғи).</p> <p>Мазкур “Йўл харитаси” доирасида Давлат статистика қўмитаси томонидан тегишли қисми бўйича топшириқлар ижроси таъминланиб, комплекс раҳбарига ҳисобот киритилди (16.12.2022 йилдаги 01/1-06-11/1-293-сон).</p>
III. Маълумотлардан фойдаланувчилар ва маълумот етказиб берувчилар ўртасида самарали муносабатларни йўлга қўйиш					
11	Маълумотлардан фойдаланувчилар билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш.	1. Жамоатчиликни мавжуд статистик маълумотлар тўғрисида хабардор қилиш бўйича фойдаланувчилар билан муносабатларни такомиллаштириш.	2021 йил март	У. Абдурасулов, Х. Жураев, тармоқ бошқарма бошлиқлари	<p>Бажарилган.</p> <p>Ушбу белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, жамоатчиликни мавжуд статистик маълумотлар тўғрисида хабардор қилиш бўйича фойдаланувчилар билан муносабатларни такомиллаштириш юзасидан бир қатор амалий аҳамиятга эга бўлган ишлар бажарилди. Жумладан, бугунги глобаллашув давридаги ахборот тарқатиш имкониятларини инобатга олган ҳолда, Интернетдаги ижтимоий тармоқларда қўмитанинг расмий саҳифаларини очиш орқали статистик маълумотларни фойдаланувчиларга тезкорлик билан етказиш</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>ҳамда фойдаланувчилар билан муносабатларни шакллантириш йўлга қўйилди.</p> <p>Интернетдаги ижтимоий тармоқлар: “Telegram”, “Facebook”, “Instagram”, “Twitter” ва “YouTube”да Давлат статистика қўмитасининг расмий саҳифалари фаолияти йўлган қўйилди. Фойдаланувчилар учун мазкур каналлар орқали доимий тарзда кунлик ахборотлар эълон қилиб борилмоқда.</p> <p>Расмий саҳифалар қуйидагилардан иборат:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. https://www.facebook.com/uzstataxborot 2. https://t.me/uzstataxborot 3. https://www.instagram.com/uzstataxborot 4. https://twitter.com/uzstataxborot 5. https://www.youtube.com/c/Davlatstatistikaqoqmitasi <p>Ахборот хизмати раҳбарининг “Telegram” каналидаги расмий саҳифаси орқали эълон қилинаётган кунлик қизиқарли статистик маълумотлар энг оммабоп Интернет сайтлари ва Telegram каналларида ёритилиши йўлга қўйилган.</p> <p>Статистик маълумотлар асосида бошқармалар томонидан тайёрланган қизиқарли янгиликлар қўмитанинг расмий сайти, ижтимоий тармоқлар ҳамда интернет нашрларда эълон қилиниши йўлга қўйилди.</p> <p>Статистик маълумотлардан фойдаланувчилар муносабатларни ўрганиш учун қўмитанинг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида сўровномалар ўтказиб борилади.</p> <p>Расмий веб-сайтидаги манба:</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<ul style="list-style-type: none"> - https://web.stat.uz/opros/ - https://t.me/uzstataxborot/299 - https://t.me/uzstataxborot/278 <p>Жамоатчиликни мавжуд статистик маълумотлар тўғрисида хабардор қилиш мақсадида, Ахборот хизмати томонидан қизиқарли статистик маълумотлар асосида инфографика роликлари тайёрланиб, республиканинг етакчи телеканаллари “Ўзбекистон 24”, “Узрепорт” телеканалларида доий тарзда эфирга узатиб келинмоқда.</p> <p>Давлат статистика кўмитаси фаолияти ҳамда тармоқ статистикасига оид таҳлилий маълумотлар “Халқ сўзи”, “Народное слово”, “Янги Ўзбекистон” “Правда Востока”, “Иқтисодий газета”, “Биржа” “Ишонч”, “Оила даврасида” ва бошқа бир қатор нашрларда ёритиб келинмоқда.</p>
		2. Давлат статистика кўмитасида статистика аҳолининг бўйича саводхонлигини оширишга қаратилган видеомаҳсулотларни тайёрлаш учун медиа-марказ ташкил этиш.	2022 йил январь		<p>Бажарилган.</p> <p>Кўмитанин 2022 йил 31 январьдаги 01/1-21-15/1-9-сон хати Вазирлар Маҳкамаси юборилди.</p> <p>Ушбу хат орқали Давлат статистика кўмитасида аҳолининг статистика бўйича саводхонлигини оширишга қаратилган видео маҳсулотларни тайёрлаш учун ташкил этилган Медиа-марказ тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.</p>
		3. Турли гуруҳ фойдаланувчиларига маълумотларни тақдим этиш бўйича қўлланмаларни ишлаб чиқиш.	2021 йил декабрь		<p>Бажарилган.</p> <p>Кўмитанинг 2021 йил 17 декабрдаги 01/1-02-16/1-427-сон хати Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Ушбу хат асосида қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>Мазкур топшириқ ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш ҳамда статистик</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>маълумотларни тақдим этишда фойдаланувчилар учун янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида кўмита томонидан “Фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш бўйича қўлланма” ишлаб чиқилди.</p> <p>Мазкур Қўлланма кўмита расмий веб-сайтига жойлаштирилди ҳамда расмий сайт ва кўмитанинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилинди.</p>
		4. Фойдаланувчиларнинг қониқиш даражасини ўрганиш юзасидан сўровлар ўтказиш.	мунтазам		<p>Бажарилган.</p> <p>Тақдим қилинаётган статистик маълумотларнинг сифатидан фойдаланувчиларнинг қониқиш даражасини баҳолаш бўйича халқаро тажриба ўрганилиб, тегишли саволнома ишлаб чиқилди. Мазкур саволнома 2020 йилнинг сентябрь санасида кўмита веб-сайтига жойлаштирилиб, 2020 йилнинг декабрь ойигача бўлган даврда фойдаланувчилар ўртасида сўровнома ўтказилди.</p> <p>Мазкур сўровнома натижаларига асосан Кўмитанинг тармоқ бошқармаларига ўз фаолиятини такомиллаштириш ва фойдаланувчилар берган жавоблари ва таклифларини иш жараёнига жорий этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.</p> <p>Бундан ташқари, кўмитанинг ижтимоий тармоқлари “Telegram”, “Facebook” ва “Twitter” саҳифаларида обуначилар ўртасида эълон қилиб борилаётган статистик маълумотлардан қониқиш даражасини ўрганиш юзасидан сўровномалар ўтказиш йўлга қўйилган.</p>
		5. Статистика идоралари ва бошқа маълумот ишлаб	2022 йил январь		<p>Бажарилган.</p> <p>Кўмитанинг 2022 йил 27 январдаги 01/5-21-</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		чиқарувчиларнинг расмий сайтларида фойдаланувчиларга маълумот олиш бўйича қулайликлар яратиш.			15/1-8-сон хати Вазирлар Маҳкамаси юборилди. Ушбу хат орқали Давлат статистика қўмитаси расмий сайтида фойдаланувчиларга маълумот олиш бўйича яратилган қўшимча қулайликлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.
12	Ҳукумат ва статистика органларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаш тизимини такомиллаштириш	1. Давлат статистика қўмитаси томонидан доимий равишда Бош вазирнинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига тегишли йўналишлар бўйича барча таҳлилий-статистика маълумотларини тезкор тарзда тақдим этиб бориш.	2020 йил августдан бошлаб	Х. Жураев, тармоқ бошқарма бошлиқлари	Бажарилган. 2020 йилнинг январь-июль ойларида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматовга (17.08.2020 й. 01/1-02-17/1-201-сон хат), Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоровга (17.08.2020й. 01/1-02-17/1-202-сон хат), Ў.И. Барноевга (17.08.2020 й. 01/1-02-17/1-203-сон хат), С.У. Умурзаковга (17.08.2020й. 01/1-02-17/1-204-сон хат), Б.А. Мусаевга (17.08.2020й. 01/1-02-17/1-205-сон хат), А.А. Абдухакимовга (17.08.2020й. 01/1-02-17/1-206-сон хат) тақдим этилди. Шунингдек, 2020 йилнинг январь-август ойлари учун Ўзбекистон Республикаси ижти-мой-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматовга (22.09.2020 й. 01/2-02-17/1-232-сон хат), Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоровга (22.09.2020й. 01/2-02-17/1-233-сон хат), С.У. Умурзаковга 22.09.2020й. 01/2-02-17/1-234-сон хат), Б.А. Мусаевга (22.09. 2020й. 01/2-02-17/1-235-сон хат), А.А. Абдухакимовга (22.09.2020й. 01/2-02-17/1-236-сон хат) тақдим этилди.

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматовга (27.10.2020 й. 01/1-02-17/1-277-сон хат), Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоровга (27.10.2020й. 01/1-02-17/1-278-сон хат), С.У.Умурзаковга (27.09.2020й. 01/1-02-17/1-279-сон хат), Б.А. Мусаевга (27.09.2020й. 01/1-02-17/1-280-сон хат), А.А. Абдухакимовга (27.09. 2020й. 01/1-02-17/1-281-сон хат), Ш.М. Ғаниевга (27.09.2020й. 01/1-02-17/1-282-сон хат) тақдим этилди.</p> <p>2020 йилнинг январь-октябрь ойлари учун Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматовга (23.11.2020й. 01/1-02-17/1-299-сон хат), Бош вазир ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоровга (23.11.2020й. 01/1-02-17/1-300-сон хат), С.У. Умурзаковга (23.11.2020й. 01/1-02-17/1-301-сон хат), Б.А. Мусаевга (23.11.2020й. 01/1-02-17/1-302-сон хат), А.А. Абдухакимовга (23.11. 2020й. 01/1-02-17/1-303-сон хат), Ш.М. Ғаниевга (23.11.2020 й. 01/1-02-17/1-304-сон хат), Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаровга (23.11.2020й. 01/1-02-17/1-305-сон хат) тақдим этилди.</p> <p>2020 йилнинг январь-декабрь ойлари учун Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Рамаатовга (27.01.2021 й. 01/1-02-17/1-29-сон хат), Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоровга (27.01.2021й. 01/1-02-17/1-30-сон хат), С.У. Умурзаковга (27.01.2021 й. 01/1-02-17/1-31-сон хат), Б.А.Мусаевга (27.01.2021 й. 01/1-02-17/1-32-сон хат), А.А. Абдухакимовга (27.01.2021 й. 01/1-02-17/1-33-сон хат), Ш.М. Ғаниевга (27.01.2021й. 01/1-02-17/1-34-сон хат), Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаровга (27.01.2021 й. 01/1-02-17/1-35-сон хат) тақдим этилди.</p> <p>2021 йилнинг январь оyi учун Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Рамаатовга (23.02.2021й. 01/1-02-17/1-60-сон хат), Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоровга (23.02.2021й. 01/1-02-17/1-62-сон хат), С.У. Умурзаковга (23.02.2021й. 01/1-02-17/1-63-сон хат), Б.А.Мусаевга (23.02.2021й. 01/1-02-17/1-64-сон хат), А.А. Абдухакимовга (23.02.2021й. 01/1-02-17/1-65-сон хат), Ш.М. Ғаниевга (23.02.2021й. 01/1-02-17/1-66-сон хат), Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаровга (23.02.2021й. 01/1-02-17/1-67-сон хат) тақдим этилди.</p> <p>2021 йилнинг январь-февраль даври учун Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки яқунлари бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Рамаатовга (23.03.2021й. 01/1-02-17/1-99-сон хат), Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоровга</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>(23.03.2021й. 01/1-02-17/1-100-сон хат), С.У. Умурзаковга (23.03.2021 й. 01/1-02-17/1-101-сон хат), Б.А.Мусаевга (23.03.2021й. 01/1-02-17/1-102-сон хат), А.А. Абдухакимовга (23.03.2021й. 01/1-02-17/1-103-сон хат), Ш.М. Ғаниевга (23.03.2021 й. 01/1-02-17/1-104-сон хат), Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаровга (23.03.2021й. 01/1-02-17/1-105-сон хат) тақдим этилди.</p> <p>2021 йилнинг январь-сентябрь даври учун Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки якунлари бўйича статистик маълумотлар ва таҳлилий материаллар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Рамаатовга (01.11.2021й. 01/1-02-16/1-347-сон хат), Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоровга (01.11.2021 й. 01/1-02-16/1-348-сон хат), С.У. Умурзаковга (01.11.2021й. 01/1-02-16/1-349-сон хат), Б.А. Мусаевга (01.11.2021й. 01/1-02-16/1-350-сон хат), А.А. Абдухакимовга (01.11.2021й. 01/1-02-16/1-351-сон хат), Ш.М. Ғаниевга (01.11.2021 й. 01/1-02-16/1-352-сон хат), Бош вазир маслаҳатчиси О.М. Умаровга (01.11.2021й. 01/1-02-16/1-353-сон хат) тақдим этилди.</p> <p>2021 йилнинг январь-октябрь даври учун Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастлабки якунлари бўйича статистик маълумотлар ва таҳлилий материаллар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Рамаатовга (22.11.2021й. 01/1-02-16/1-386-сон хат), Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоровга (22.11.2021й. 01/1-02-16/1-387-сон хат), С.У. Умурзаковга</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>63-баллни тўплаган ҳолда мазкур рейтингда 125 позитсияга кўтарилиб, дунёда 44-ўринни ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади.</p> <p>https://odin.opendatawatch.com/Report/countryProfileUpdated/UZB?year=2020</p> <p>Маълумот учун: Open Data Inventory (ODIN) 2018 йилдаги рейтингда Ўзбекистон Республикаси жаҳонда 169-ўринни эгаллаган эди.</p> <p>2021 йилнинг 14 декабрь куни Open Data Watch бошқарув директори Шейда Бадие (Шаида Бадие)га Ўзбекистон Республикаси бўйича тегишли етишмаётган барча маълумотлар ишлаб чиқилгани ва келгусида Давлат статистика қўмитаси ўзаро ҳамкорликка тайёрлиги тўғрисидаги 01/1-19-09/4-127-сонли хати Опен Дата Ватч ташкилотининг расмий электрон почтасига (info@opendatawatch.com) юборилди.</p> <p>Бу ўз навбатида, Опен Дата Инвенторй (ОДИН) халқаро очик маълумотлар рейтингининг келгуси баҳолашида Ўзбекистон Республикасининг нуфузини ошишига имкон яратади.</p>
		<p>2. 2020-2021 йилларда “Опен Дата Инвенторй - ОДИН” рейтингда Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичини 45 баллга етказиш (мазкур рейтингда 100 таликка кириш).</p>	<p>2021 йил давомида</p>		<p>Бажарилган.</p> <p>Қўмитанинг 2021 йил 15 ноябрдаги 01/1-19-09/1-109-сон хати Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Ушбу хат асосида қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси, юқоридаги топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни маълум қилади: Ўтган даврда Давлат статистика қўмитаси бошқа вазирлик ва идоралар, шу жумладан, ЙЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари Координатори, Жаҳон</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>банки, БМТнинг Тараққиёт дастури ва шу каби бошқа хорижий ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида очик маълумотларни ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу ишлар натижаларини мамлакатимизнинг очик маълумотлар бўйича халқаро рейтинглар ва индексларда мавқеининг сезиларли даражада яхшиланишида кўриш мумкин.</p> <p>https://odin.opendatawatch.com/Report/countryProfile/Updated/UZB?year=2020</p> <p>2023-йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Open Data Inventory (ODIN) халқаро очик маълумотлар рейтингида 66 балл тўплаган ҳолда мазкур рейтингда 40-ўринга кўтарилди ҳамда Марказий Осиёда 1-ўринни сақлаб қолди.</p> <p>https://odin.opendatawatch.com/Report/countryProfile/Updated/UZB?year=2022</p> <p>2023-йилнинг август ойидаги қайта баҳолаш якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Open Data Inventory(ODIN) очик маълумотлар рейтингида 70 балл тўплаган ҳолда дунёда 30 ўринга кўтарилди.</p> <p>https://data.egov.uz/uzbKr/news/ozbekiston-ochiq-malumotlar-reytingida-dunyoda-30-</p>
25	Статистик маълумотларнинг электрон архив базасини юритишни йўлга қўйиш.	Қоғоз кўринишдан воз кечмаган ҳолда статистика маълумотларининг электрон архив базасини босқичма-босқич йўлга қўйиш.	2020-2025 йиллар давомида	Г. Салихова, Ш. Джанадилов, Ш. Одилов	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармасининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори билан тасдиқланган “2020-2025 йилларда</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантиришнинг миллий стратегияси”ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни ижросини таъминлаш юзасидан 2020 йил 19 августда ҳаракатлар режаси тасдиқланди.
26	Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини автоматлаштириш.	1. Аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари ва натижалари бўйича жамоатчиликни хабардор қилиб бориш мақсадида махсус расмий веб-сайтни ишлаб чиқиш.	2020 йил август	Ш. Одилов, Қ. Бердикулов	<p>Бажарилган.</p> <p>Ушбу топшириққа асосан аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари ва натижалари бўйича жамоатчиликни хабардор қилиб бориш мақсадида махсус расмий веб-сайт БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ташкилоти (ЮНФПА) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Веб-сайт aholi.stat.uz доменида жойлаштирилди. 2020 йил август ойида ушбу веб-сайт ишга туширилиши муносабати билан Қўмитанинг расмий веб-сайтида эълон берилди. Ушбу сайтда Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ меъёрий-ҳужжатлар, услубий қўлланмалар, нашрлар, фото материаллар, видеороликлар ва бошқа олиб борилаётган ишлар жойлаштирилиб келинмоқда.</p>
		2. Аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини киритиш ва қайта ишлаш бўйича ахборот тизимини ишлаб чиқиш.	2021 йил сентябрь		<p>Бажарилган.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси томонидан “Аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини киритиш ва қайта ишлаш ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқ” лойиҳаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Техник топшириқ лойиҳаси келишиш учун Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига юборилди (2020 йил 21 сентябрь 01/2-16-10/2-56-сон хат). Ахборот технологиялари вазирлиги томонидан ўтказилган</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>экспертизанинг ижобий хулосаси олинди (2020 йил 13 октябрь Эз-07-8/5991).</p> <p>Техник топшириқ Давлат статистика қўмитаси томонидан 2020 йил 14 октябрь куни тасдиқланди.</p> <p>Ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича танлов ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва танлов эълон қилинди (Программный продукт № ЛОТА: 9098936).</p> <p>Танлов қайта эълон қилинди (Программный продукт № ЛОТА: 9101615).</p> <p>Танлов қайта эълон қилинди (Программный продукт № ЛОТА: 9104690). Танловда “PixYZ Alliance” МЧЖ танлов ғолиби деб топилди.</p> <p>Ўрнатилаган тартибда танлов ғолиби билан ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича шартнома имзоланди ва ишлаб чиқиш графиги тасдиқланди.</p> <p>“Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 11 ноябрдаги 710 қарори “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2022- йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий ва методик принципларини, дастурий-техник таъминоти ва маълумотларни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини синовдан ўтказиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат хокимияти органлари раҳбарларининг аҳолини рўйхатга олишга</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларидаги масъулиятини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарорида: Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш 2023 йил 1-25 ноябрь кунларига ўзгартирилди. Шунинг учун ижрода муддати 2021 йил 30 сентябрь кунига узайтирилди.</p> <p>Ушбу банд ижроси юзасидан аҳолини рўйхатга олишнинг бирламчи маълумотларини киритиш ва қайта ишлаш бўйича ахборот тизими ишлаб чиқилди ҳамда census.stat.uz манзилида жойлаштирилди.</p> <p>Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида қоғоз шаклида йиғилган бирламчи маълумотлар 100 нафарга яқин операторлар томонидан ахборот тизими орқали электрон базага киритилди.</p> <p>Шу билан бирга, синов жараёнларида Интернет тармоғи орқали ва планшет қурилмалари ёрдамида рўйхатга олишда юзага келган муаммоларни бартараф этиш мақсадида мазкур ахборот тизимининг Интернет тармоғи ва планшет қурилмалари учун мўлжалланган дастурий маҳсулотлари аҳоли учун янада қулай ва содда шаклда такомиллаштирилмоқда.</p>
27	Статистик маълумотларни сақлаш, қайта ишлаш ва тақдим этиш бўйича ахборот тизимларини такомиллаштириш.	1. Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайтнинг янги кўринишини ишлаб чиқиш.	2020 йил Декабрь	Ш. Одилов, Ш. Джанадилов	<p>Бажарилган. Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтнинг янги кўриниши Осиё Тараққиёти Банки мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинди. Веб-сайт stat.uz манзилида жойлаштирилди.</p>
		2. Катта ҳажмдаги статистик маълумотларни қайта ишлаш	2021 йил		<p>Бажарилган. Қўмитанинг 2021 йил 14 декабрдаги 01/1-</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		жараёнларига Орасле, МС СҚЛ Сервер маълумотлар базасини бошқаришнинг замонавий тизимларини жорий этиш.	декабрь		<p>16-10/2-104-сон хати Вазирлар Маҳкамасига ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникатсияларини ривожлантириш вазирлигига тақдим этилди. Ушбу хат асосида қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>Ушбу топшириқга мувофиқ очик кодли PostgreSQL маълумотлар базасини бошқариш тизимидан фойдаланган ҳолда “Статистика интеграллашган ахборот тизими”ни ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқилиб, Ахборот технологиялари ва коммуникатсияларини ривожлантириш вазирлигидан экспертизадан ўтказилди (ЭЗ-07-8/6550-сон, 20.09.2021 й.).</p> <p>Лойиҳа доирасида ўрнатилган тартибда танлаб олинган “Пихиз Аллиансе” МЧЖ билан имзоланган шартномага кўра “Статистика интеграллашган ахборот тизими”ни ишлаб чиқилди ва қуйидаги электрон манзилда амалиётга жорий этилди: (https://api.stat.uz/uploader).</p> <p>“Статистика интеграллашган ахборот тизими” жорий этилиши натижасида қуйидаги вазифалар бажарилди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Кўмита томонидан ишлаб чиқиладиган расмий статистика маълумотлар базаси тўлиқ шакллантирилди; - вазирлик ва идоралар ҳамда веб-сайтлар, вебпорталлар маълумотлар базалари билан интеграллаш қилинди: <p>а) Электрон ҳукумат ягона маълумотлар базаси (дб.гов.уз);</p> <p>б) Рақамли Тошкент ва вилоят</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>ҳокимликларининг ҳудудий Геопортали; с) Қўмитанинг расмий веб-сайти (stat.uz); д) Очик маълумотлар портали ва бошқалар.</p>
28	Танланма статистик кузатувларни ўтказиш жараёнларига инноватсион технологияларни жорий этиш.	1. Уй хўжаликлари танланма кузатувлари учун респондентларни танлаб олиш бўйича махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиш.	2020 йил август	Ш. Джанадилов, Ш. Одилов, тармоқ бошқармалар бошлиқлари	<p>Бажарилган. Уй хўжаликлари танланма кузатувлари учун респондентларни танлаб олиш бўйича махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.</p>
		2. Саноат, хизмат кўрсатиш, савдо, транспорт, деҳқон хўжалиги ва бозор нархи кузатувларига электрон қурилмалар (планшет тизими)ни жорий этиш.	2020 йил декабрь		<p>Бажарилган. Саноат, хизмат кўрсатиш, савдо, транспорт, деҳқон хўжалиги ва бозор нархи кузатувларига электрон қурилмалар (планшет тизими)ни жорий этиш мақсадида “Танланма кузатувлар” дастурий таъминоти ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.</p>
29	Ахборот-коммуникатсия инфратузилмасини модернизатсия қилиш.	1. Маънан эскирган компьютер, сервер ва бошқа қурилмаларини босқичма-босқич, график асосида янгилаб бориш.	2020-2025 йилларда алоҳида график асосида	Ш. Джанадилов, Ж. Ширинов, У. Қулмурадов, Ш. Одилов	<p>Бажарилмоқда. Тизимда фойдаланилаётган маънан эскирган компьютер, принтер ва сервер қурилмаларини янгилаш бўйича 1530 та компьютер, 346 та принтер ва 18 та сервер қурилмалари ҳарид қилинди.</p>
		2. Видеоконференсалоқа ва ИП телефония тизимларини жорий этиш.			<p>Бажарилмоқда. Белгиланган тартибда видеоконференсалоқа қурилмалари ва ИП телефония қурилмалари ҳарид қилинди ҳамда Давлат статистика қўмитаси ва ҳудудий статистика бошқармалари ўртасида видеоконференсалоқа ва ИП телефония тизимлари жорий этилди.</p>
		3. Давлат статистика қўмитасининг барча ҳудудий бўлинмаларини юқори тезликда маълумот алмашиш имконини берувчи оптик толали тармоққа			<p>Бажарилмоқда. Давлат статистика қўмитасининг барча ҳудудий бўлинмаларини юқори тезликда маълумот алмашиш имконини берувчи оптик толали тармоққа улаш учун керакли коммутатор</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми уланишини таъминлаш.	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					қурилмалари харид қилинди ва ҳудудий статистика органларига ўрнатиш учун тақсимланди.
30	Маълумотларнинг ягона базасини яратиш мақсадида кўрсаткичларни кодлаштириш тизимини яратиш.	1. Маълумотларнинг ягона базасини яратиш мақсадида кўрсаткичларни СДМХ платформаси асосида кодлаштириш тизимини яратиш.	2020-2021 йилларда	Д. Закиров, Ш. Одилов, тармоқ бошқармалар бошлиқлари	<p>Бажарилган. Ҳозирги кунга қадар Қўмитанинг расмий сайтидаги “IMF E-GDDS” бўлимида (https://nsdp.stat.uz/) Халқаро валюта жамғармасига тақдим этиладиган индикаторлар тўплами доирасида маълумотларни тўлиқ СДМХ платформасида жойлаштириш амалиёти йўлга қўйилган. Шу билан бирга, миллий статистика тизими доирасида статистик фаолиятни ва халқаро миқёсда кенг фойдаланиладиган Статистика маълумотлари ва метамаълумотлари алмашинуви (Statistical Data and Metadata eXchange – SDMX) стандарти асосида расмий статистикани кодлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 22 ноябдраги 117-сон буйруғи қабул қилинди ва расмий статистика маълумотлари SDMX форматида жойлаштирилиши белгиланди.</p>
		2. Маълумотларни СДМХ платформаси асосида кодлаштириш.			<p>Бажарилган. Ҳозирги кунга қадар Қўмитанинг расмий сайтидаги “IMF E-GDDS” бўлимида (https://nsdp.stat.uz/) Халқаро валюта жамғармасига тақдим этиладиган индикаторлар тўплами доирасида маълумотларни тўлиқ SDMX платформасида жойлаштириш амалиёти йўлга қўйилган. Шу билан бирга, миллий статистика тизими доирасида статистик фаолиятни ва халқаро миқёсда кенг фойдаланиладиган Статистика маълумотлари ва метамаълумотлари алмашинуви</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					(Statistical Data and Metadata eXchange – SDMX) стандарти асосида расмий статистикани кодлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Давлат статистика қўмитасининг 2021-йил 22 ноябдраги 117-сон буйруғи қабул қилинди ва расмий статистика маълумотлари SDMX форматида жойлаштирилиши белгиланди.
В. Алоҳида статистик йўналишлар, тармоқ ва ҳудудлар статистикасини такомиллаштириш					
5.1 Рўйхатга олишлар соҳасида статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш					
31	Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига пухта тайёргарлик кўриб бориш.	1. “Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	2020 йил сентябрь	Қ. Бердикулов	<p>Бажарилган.</p> <p>Қарор лойиҳаси 2020 йил 4 сентябрь куни 01/1-12-17/1-331-сон хат орқали Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарори тасдиқланди.</p> <p>2021 йил 1-25 ноябрь кунлари ўтказилган аҳолини синов тариқасида рўйхатга олиш натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қўмитанинг 2021 йил 30 декабрдаги 01/1-20-13/2-125-сон хати билан вазирлик ва идораларга келишиш учун project.gov.uz порталига жойлаштирилди.</p> <p>Мазкур қарор лойиҳаси халқаро кузатувчилар миссиясининг тавсиялари асосида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш жараёнларини Интернет тармоғи орқали ва планшет қурилмалари ёрдамида ўтказишни назарда тутган ҳолда ишлаб</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>чиқилди.</p> <p>Ушбу қарор лойиҳаси 25 та манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Қарор лойиҳаси бўйича Адлия вазирлигидан 2022 йил 25 март куни ижобий экспертиза хулосаси (3/3-0219-сон) олиниб, 2022 йил 1 апрель куни Вазирлар Маҳкамасига киритилди (01/1-20-13/1-29-сон).</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2022 йил 4 августдаги 02-2061-сон топшириғига асосан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасида назарда тутилган чора-тадбирлар Давлат бюджетидан катта харажат талаб этиши ва уларни амалга оширишга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш лозимлигини инобатга олиб, ушбу масаласини келгусида кўриб чиқиш топширилди.</p>
		<p>2. Куйидагиларни инобатга олган ҳолда, аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг дастлабки харажатлари сметасини тайёрлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш бўйича; - асосий аҳолини рўйхатга олиш бўйича. 	<p>2020 йил ноябрь</p> <p>2021 йил июль</p>		<p>Бажарилган.</p> <p>Манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳи томонидан 2021 йил учун дастлабки харажатлар сметаси тайёрланиб, Молия вазирлигига киритилди.</p> <p>2021 йил учун харажатлар сметаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 февралдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган.</p> <p>2022 йил учун харажатлар сметасининг дастлабки ҳисоб китоблари жорий йилнинг май-июн ойларида ишлаб чиқилиб, июль ойида Молия вазирлигига тақдим этилди.</p> <p>2022 йил учун харажатлар сметаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги 61-сон қарори билан тасдиқланган.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		3. Аҳолини рўйхатга олиш саволномаси шакллари ва уларни тўлдириш тартибини ишлаб чиқиш.	2020 йил декабрь		<p>Бажарилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сон қарори билан 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари тасдиқланди:</p> <p>1-шакл. “Турар жойининг хусусиятлари ва унда яшовчилар рўйхати”;</p> <p>2-шакл. “Шаҳсга оид саволнома”;</p> <p>3-шакл. “Ўзбекистон Республикасига вақтинча келган чет эл фуқаролари учун саволнома”;</p> <p>4-шакл. “Аҳолининг айрим тоифаларига нисбатан шахсга доир маълумотларни йиғиш бўйича саволнома”;</p> <p>5-шакл. “Вақтинча турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун назорат варақаси”.</p> <p>Ушбу шакллар лойиҳалари манфаатдор вазирлик ва идораар ҳамда халқаро ташкилотлар экспертлари иштирокида онлайн видеоалоқа кўринишида муҳокама қилинди.</p>
		4. Аҳолини рўйхатга олиш жараёнлари иштирокчилари учун аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қўлланма, ташкилий-услубий материалларни ишлаб чиқиш.	2021 йил ноябрь		<p>Бажарилган. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги қўлланма ва ташкилий-услубий материаллар ишлаб чиқилди:</p> <p>- Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш учун картографик материалларни тайёрлашда техник шартлар; <i>(Кадастр агентлиги билан келишилган).</i></p> <p>- Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>уни ўтказиш ҳамда маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш учун вақтинчалик биноларни ажратиш бўйича қўлланма; (2020 йил 21 декабрдаги 48-сон қарори).</p> <p>- Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларига жалб этиладига ходимларга махсус гувоҳома бериш ва қайтариб олиш тартиби тўғрисида Низом; (2020 йил 21 декабрдаги 48-сон қарори).</p> <p>- Аҳоли пунктларида уй-жойлар рўйхатини тузиш бўйича қўлланма; (2020 йил 24 декабрдаги 49-сон қарори).</p> <p>- Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига жисмоний ва юридик шхсларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом;</p> <p>- Аҳолини рўйхатга олиш варақлари ва бошқа рўйхатга олиш ҳужжатларининг сақланиши (шу жумладан вақтинча сақланиши), йўқ қилиниши тартиби тўғрисида Низом; (2021 йил 19 январьдаги 1- қўшма қарор).</p> <p>- Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари тўлдириш бўйича йўриқнома; (2021 йил 16 апрелдаги 12-сон қарори).</p> <p>- Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш варағи шакллари ва бошқа ҳужжатларини етказиб бериш ҳамда йиғиб олиш тартиби. (2021 йил 21 июндаги 18-сон қарори).</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		5. Аҳолини рўйхатга олиш тадбири юзасидан аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб бориш.	Доимий		<p>Бажарилган.</p> <p>Аҳолини рўйхатга олиш масалалари бўйича 2021 йил январь-декабрь ойларида оммавий ахборот воситаларида: телевидениеда 679 та кўрсатувлар, радиода 923 та эшиттиришлар ва турли нашриётларда 971 та мақолалар чоп этилди.</p> <p>Шунингдек, кўмита ва ҳудудий статистика бошқармаларининг расмий веб-сайтларида 10 мингдан ортиқ мақолалар, тезислар, эълонлар ва янгиликлар жойлаштирилди.</p> <p>Бундан ташқари олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида 1469 та, умумтаълим мактабларида 3906 та ва маҳаллаларда 9063 та семинарлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этилди.</p> <p>Шунингдек, Хўжаобод, Юқори Чирчиқ ва Яшнобод туманларида ҳамда Хива шаҳрида аҳолини синов тарикасида рўйхатга олиш тадбирлари тўғрисида кенгрок хабардор қилиш мақсадида аҳоли гавжум бўладиган жойларга махсус баннерлар жойлаштирилди.</p> <p>Аҳолини рўйхатга олиш масалалари бўйича 2022 йил январь-июль ойлари давомида оммавий ахборот воситаларида: телевидениеда 148 та кўрсатувлар, радиода 123 та эшиттиришлар ва турли нашриётларда 774 та мақолалар чоп этилди.</p> <p>Шунингдек, турли расмий веб-сайтларда 2503 дан ортиқ мақолалар, тезислар, эълонлар ва янгиликлар жойлаштирилди.</p>
		6. Аҳолини рўйхатга олиш жараёнларига вақтинча жалб этиладиган ходимларни ўқитиш ишларини ташкиллаштириш,	2021 йил август-октябрь 2022 йил		<p>Бажарилган.</p> <p>Хўжаобод, Юқори Чирчиқ ва Яшнобод туманлари ҳамда Хива шаҳрида Аҳолини рўйхатга олиш бўлимлари ташкил этилди ва 2021 йил</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		<p>жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш бўйича; - асосий аҳолини рўйхатга олиш бўйича. 	август-октябрь		<p>1 апрелдан бошлаб, ҳар бир ҳудудлар 2 нафардан жами 8 нафар ходим иш бошлади.</p> <p>2021 йилнинг март-апрель ойлари давомидамазкур 8 нафар ходимлар синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш масалалари бўйича ўқитилди ва амалий кўникмалари оширилди.</p> <p>Низом талаблари асосида кўшимча равишда синов ҳудудларига 1 нафардан жами 4 нафар ходим иш бошлади.</p> <p>Аҳолини рўйхатга олиш ва инструкторлик участкалари ходимлари ҳамда рўйхатга олувчилар режа-жадвал асосида октябрь оyi давомида тўлик ўқитилади.</p> <p>4-8 октябрь кунлари 100 нафар аҳолини рўйхатга олиш участкалари ходимлари ўқитилди.</p> <p>11-15 октябрь кунлари 254 нафар инструкторлар ўқитилди.</p> <p>18-30 октябрь кунлари 254 нафар стацио нар рўйхатга олувчи ва 1277 нафар рўйхатга олувчи ходимлар ўқитилди ва маҳаллаларга олиб чиқилган ҳолда амалиётдан ўтказилди.</p> <p>Асосий аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун вақтинча жалб этиладиган шахсларни ўқитиш ва амалий кўникмаларини ошириш ишлари белгиланган муддатларда ва тартибда амалга оширилмоқда.</p> <p>2022 йилнинг 25-29 июль кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаларининг Рўйхатга олиш бўлимлари ва республикамизнинг барча туман ва шаҳар рўйхатга олиш бўлимлари ходимлари учун “Турар жойлар рўйхатини тузиш</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>ва картографик материалларга аниқлик киритиш” масалаларига бағишланган ўқув-семинар ташкил этилди.</p> <p>2022 йил 1-3 август кунлари республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида 7 мингга яқин уй-жойлар рўйхатини тузувчи ходимлар (регистраторлар) махсус дастур асосида ўқитилиб, танланма равишда маҳаллаларга олиб чиқилган ҳолда амалий кўникмалари оширилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитасининг 2022- йил 18- июлдаги 53-сон буйруғига мувофиқ, 2022- йил август ойида республика бўйича жами 6148 нафар шахслар регистратор сифатида шартнома асосида ишга жалб этилди. Регистраторлар 2022- йил 1-3-август кунлари Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан 2022- йил 22- июлда тасдиқланган махсус дастур асосида туман ва шаҳар рўйхатга олиш бўлимлари томонидан тақдимот материалларидан фойдаланган ҳолда ўқитилди ва танланма равишда маҳаллаларга олиб чиқилган ҳолда амалий кўникмалари оширилди.</p>
		7. Аҳолини рўйхатга олиш ишларини ўтказиш учун зарур инфратузилмани, жумладан аҳолини рўйхатга олиш участкалари, инструкторлик участкалари, бирламчи маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш марказлари учун зарур бино ва иншоотлар, шунингдек, транспорт, алоқа ва бошқа моддий воситалар билан маҳаллий ҳокимликлар	2020-2022 йилларда		<p>Аҳолини рўйхатга олиш ишларини ўтказиш учун зарур инфратузилмани, жумладан аҳолини рўйхатга олиш участкалари, инструкторлик участкалари, бирламчи маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш марказлари учун зарур бино ва иншоотлар, шунингдек, транспорт, алоқа ва бошқа моддий воситалар билан маҳаллий ҳокимликлар томонидан таъминланиши юзасидан ҳокимликларга хат юборилиб, ижроси мониторинг қилиб борилмоқда.</p> <p>2021 йил 1 январь ҳолатига маҳаллий ҳокимликлари томонидан аҳолини рўйхатга</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		томонидан таъминланишини мониторинг қилиш ва натижалари бўйича ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш.			олишга тайёргарлик кўриш бўйича ҳудудий статистика органларининг моддий-техника базасини янгилаш мақсадида жами 5,0 млрд.сўмга яқин маблағ, моддий техника воситалари ва жиҳозлар ажратилди.
		8. Ергеодезкадастр давлат қўмитаси ва ҳудудий комиссиялар томонидан республикада мавжуд барча туман ва шаҳарларнинг хариталари ҳамда маҳалла, қишлоқ ва овулларнинг схематик хариталарини тайёрланишини мувофиқлаштириш.	2020-2022 йилларда		<p>Кадастр органлари ва ҳудудий комиссиялар томонидан 204 та туман ва шаҳарларнинг схематик карталари, 15 мингдан ортиқ аҳоли пунктларининг (маҳалла, қишлоқ ва овуллар) схематик режалари электрон шаклда тайёрланди. Олинган схематик карта ва режалар техник шартларга мослиги Қўмита ходимлари томонидан ҳудудларга чиқиб ўрганиб чиқилди.</p> <p>Ўрганиш натижасида аниқланган номувофиқларни бартарф этиш юзасидан вилоят ҳокимликларига расмий хатлар юборилди.</p> <p>Кадастр агентлиги билан ҳамкорликда синов натижаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини рўйхатга олиш жараёнларида зарур бўладиган аҳоли пунктлари (маҳалла, қишлоқ ва овуллар) хариталарини янгилаш бўйича техник шартлар такомиллаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2022 йил 18 апрелдаги 2-ққ-сон ва қ-қ/3-сон Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бўладиган картографик материалларни ва кўчмас мулк объектлар тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил этиш тўғрисида қўшма қарори</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>тасдиқланди.</p> <p>Мазкур қўшма қарорга мувофиқ ҳудудий статистика ва кадастр бошқармалари томонидан шартнома тузилиб, картографик материалларни тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.</p> <p>Режага мувофиқ 2022 йил 1 июнга қадар кадастр органлари томонидан республикамизнинг 9 мингдан ортиқ аҳоли пунктларининг схематик хариталари қоғоз шаклида чоп этилган ҳолда тақдим этилди.</p> <p>Жорий йилнинг 4-31 август кунлари 6 минг нафардан ортиқ регистраторлар томонидан республикамизда мавжуд барча турар жойлар ва аҳоли яшаши мумкин бўлган нотурар жойлар тўлиқ хатловдан ўтказиб чиқилди. Ҳозирда унинг натижалари умумлаштирилмоқда</p>
5.2 Миллий ҳисобларни такомиллаштириш					
32	Миллий ҳисоблар тизими-2008 ни малиётга тўлиқ жорий этиш.	1. Миллий ҳисоблар тизими, давлат молияси статистикаси ва тўлов баланси ўртасидаги мувофиқликка эришиш.	2021 йил апрель	А. Мамаджанов	<p>Бажарилган.</p> <p>Давлат бюджети харажатлари классификациясининг батафсил кодлари ва иқтисодий фаолият турлари кодлари ўртасидаги ўтиш калитлари қайта кўриб чиқилди.</p> <p>2018-2019-йиллар учун ЯИМни якуний истеъмол усулида ҳисоблашда давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатлари “Давлат бошқаруви органлари функцияларининг таснифи” бўйича шакллантирилди.</p> <p>2019 йил учун ЯИМнинг якуний истеъмол усулидаги ҳисоб-китоблари тўлов балансидаги экспорт-импорт кўрсаткичларидан фойдаланилган ҳолда тажриба асосида амалга оширилди.</p> <p>Шунингдек, қўмитанинг 2020- йил</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>29 августдаги 31 сон қарори қабул қилинди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сонли қарори билан тасдиқланган йўл харитасининг 32.1–банди ижроси юзасидан Давлат статистика қўмитаси томонидан миллий ҳисоблар тизими, давлат молияси статистикаси ва тўлов баланси ўртасидаги мувофиқликка эришиш бўйича тегишли ҳисоб-китоблар амалга оширилди ҳамда Қўмитанинг 2021 йил 30 апрелдаги 01/1-03-17/1-33 - сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълумотнома киритилди.</p> <p>ЯИМ ҳисоб-китоблари 2010-2020- йиллар учун йиллик ва 2016-2020- йиллар ҳамда 2021 йилнинг 1-чораги учун чораклик даврийликда давлат молияси статистикаси ва тўлов балансига мувофиқ равишда шакллантирилди ва Қўмитанинг расмий веб-сайтида эълон қилинди.</p>
		2. ЯИМни дискрет чораклар асосида ҳисоблаш тажрибасини жорий этиш орқали чораклик миллий ҳисобларни такомиллаштириш.	2021 йил декабрь		<p>Бажарилган.</p> <p>Мазкур банд ижросини таъминлаш бўйича Давлат статистика қўмитаси томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:</p> <p>1. Қўмитанинг 2021 йил 8 февралдаги “Тармоқлар кесимида иқтисодий статистика кўрсаткичларини дискрет даврлар бўйича ҳисоблаш тажрибасини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги 2-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан “Миллий ҳисоблар ва тармоқлар статистикаси кўрсаткичларини дискрет даврлар асосида ҳисоблаш амалиётини жорий этиш бўйича Ҳаракатлар режаси” тасдиқланди (1-илова).</p> <p>2. Дискрет чоракларга асосланган ЯИМ</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>ҳисоб-китобларини амалиётга жорий этиш орқали чораклик миллий ҳисобларни такомиллаштириш мақсадида “Иқтисодий статистика кўрсаткичларини дискрет чораклар асосида шакллантириш тартиби” ишлаб чиқилди ва Давлат статистика кўмитасининг 2021 йил 31 мартдаги 9-сонли қарори билан тасдиқланди (2-илова).</p> <p>3. ЯИМни дискрет чораклар асосида ҳисоблаш тажрибасини жорий этиш мақсадида 2021 йил 17-28 май, 27-30 сентябрь ҳамда 20-24 декабрь кунлари Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг миллий ҳисоблар статистикаси бўйича 3 мартаба техник кўмак миссиялари жалб этилди (3-илова). Миссиялар натижасида ХВЖ эксперти билан ҳамкорликда ЯИМ кўрсаткичининг 2019-2021 йиллар учун дискрет чораклар бўйича ҳисоб-китоблари амалга оширилди, тегишли маълумотлар ва таҳлилий жадваллар шакллантирилди ҳамда амалиётга жорий этилди (4-илова).</p> <p>4. Амалга оширилган ишлар натижалари юзасидан тайёрланган маълумотнома Қўмитанинг 2021 йил 28 декабрдаги 01/1-03-01-84-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди (5-илова).</p>
		3. Корхоналар харажатлари таркибини кузатиш натижалари асосида харажатлар-ишлаб чиқариш коэффитсиентларини янгилаш йўли билан Ресурслар ва фойдаланиш жадвалларини тузиш тажрибасини такомиллаштириш.	2021 йил декабрь		<p>Бажарилган.</p> <p>Қўмитанинг 2021- йил 17- декабрдаги 01/1-03-01-81-сон хати Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Ушбу хат асосида қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>1. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибини ўрганиш мақсадида 23 турдаги саволномалар ишлаб чиқилди ҳамда</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>2020 йилнинг май-август ойларида республиканинг барча ҳудудларида жами 31 961 та хўжалик юритувчи субектлар (номолиявий корхоналар, банклар ва суғурта ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар в.б.) ни қамраб олган ҳолда танланма кузатувлар ўтказилди.</p> <p>2. Кузатув натижаларига кўра аниқланган “ҳаражатлар-ишлаб чиқариш”нинг янгиланган коэффитсиентлари асосида 2019 йил учун “Ресурслар ва ишлатилиш” жадваллари шакллантирилди ва фойдаланувчиларга тақдим этилди.</p> <p>3. 2020-2021 йиллар давомида Халқаро валюта жамғармаси ва Осиё тараққиёт банкнинг миллий ҳисоблар статистикаси бўйича техник кўмак миссиялари доирасида “Ресурслар ва ишлатилиш” жадвалларини тузиш тажрибаси такомиллаштирилди ҳамда бунинг натижасида мазкур жадваллар амалдаги 82 та тармоқ ва 82 та маҳсулотлар кесимидан 143 та тармоқ ва 143 та маҳсулотлар кесимига етказилди.</p> <p>4. Халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда “Ресурслар ва ишлатилиш” жадвалларини тузиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида “Товарлар ва хизматлар ресурслари ва ишлатилиши жадвалларини тузиш бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди ва Қўмитанинг 2021 йил 16 декабрдаги 56-сон қарори билан тасдиқланди.</p> <p>5. Амалга оширилган ишлар натижалари бўйича тайёрланган маълумотнома ва “2019 йил учун Товарлар ва хизматлар ресурслари ва ишлатилиши жадваллари” статистик бюллетени Қўмитанинг 2021 йил 17 декабрдаги 01/1-03-01-81-</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.
		4. Статистик кўрсаткичлар ҳисоб-китобларига халқаро классификациялар ва МХТ-2008 нинг янги қоидаларини жорий этиб бориш.	2020-2023 йиллар мобайнида		<p>Бажарилган.</p> <p>МХТ кўрсаткичларини шакллантириш билан бевосита боғлиқ бўлган қуйидаги халқаро классификацияларни амалиётда қўллаш йўлга қўйилди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Ўз уйида яшаш бўйича шартли хизматлар 2019 йил маълумотлари асосида баҳоланди. 2019 йил учун ЯИМ ҳисоб-китоблари тажриба асосида ўз уйида яшаш бўйича шартли хизматларни қўшган ҳолда ҳисобланди. - ЯИМни якуний истеъмол усулида ҳисоблашда давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатлари “Давлат бошқаруви органлари функцияларининг таснифи” бўйича шакллантирилди; - уй хўжалиқларининг якуний истеъмол харажатлари кўрсаткичи “Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифи” асосида шакллантирилди. Мазкур таснифлагич Қўмитанинг 2019 йил 24 декабрдаги 131-сон буйруғи билан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган. <p>2020-2021 йиллар давомида МХТ-2008 қоидаларига тўлиқ мос келувчи ва уларни амалиётга жорий этишни кўзда тутувчи 8 та услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Уй-жой эгалари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматларини баҳолаш бўйича Услубий низом (Қўмитанинг 2020 йил 29 августдаги 31-сонли қарори);

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>- Моддий айланма воситалар захираларининг ўзгаришини ҳисоблаш бўйича услубий низом (Қўмитанинг 2020 йил 30 сентябрдаги 33-сонли қарори);</p> <p>- Кузатилмайдиган иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича вақтинчалик услубий низом (Қўмитанинг 2020 йил 16 ноябрдаги 39-сон қарори);</p> <p>- Ялпи ички маҳсулотни якуний истеъмол усулида ҳисоблаш бўйича услубий низом (Қўмитанинг 2020 йил 30 ноябрдаги 44-сон қарори);</p> <p>- Иқтисодий статистика кўрсаткичларини дискрет чораклар асосида шакллантириш тартибини (Қўмитанинг 2021 йил 31 мартдаги 9-сон қарори);</p> <p>- Кузатилмайдиган иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича услубий низом (Қўмитанинг 2021 йил 30 апрелдаги 15-сон қарори);</p> <p>- Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаси бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажмини ҳисоблаш тартиби (Қўмитанинг 2021 йил 31 майдаги 16-сон қарори).</p> <p>- Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш усулида ҳисоблаш бўйича услубий низом (Қўмитанинг 2021 йил 23 ноябрдаги 45-сон қарори);</p> <p>- Товарлар ва хизматлар ресурслари ва ишлатилиши жадвалларини тузиш бўйича услубий низом (Қўмитанинг 2021 йил 16 декабрдаги 56-сон қарори).</p> <p>2022 йилда МҲТ-2008 коидаларига тўлиқ мос келувчи ва уларни амалиётга жорий</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>этишни кўзда тутувчи қуйидаги услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Капитал билан операциялар ҳисобини шакллантириш бўйича услубий низом (Қўмитанинг 2022 йил 10 июндаги 20-сон қарори); - Даромадларнинг тақсимланиши ҳисобларини шакллантириш бўйича услубий низом (Қўмитанинг 2022 йил 20 июлдаги 26-сон қарори). - Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ҳисоблаш тартиби (Қўмитанинг 2022 йил 16 декабрдаги 39-сон қарори). <p>Молиявий воситачилик хизматлари ҳажмини ҳисоблаш амалиёти “Миллий ҳисоблар тизими – 2008” услубиётига мувофиқлаштирилди. 2017-2021 йиллар учун миллий ҳисоблар статистикаси маълумотлари молиявий воситачилик хизматлари ҳажмини қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда, Агентлик веб-сайтнинг “Расмий статистика” бўлимида қуйидаги манзил бўйича жойлаштирилди https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2.</p> <p>2023 йилда МХТ-2008 коидаларига тўлик мос келувчи ва уларни амалиётга жорий этишни кўзда тутувчи қуйидаги услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Кузатилмайдиган иқтисодиётни баҳолаш мақсадида уй хўжаликлари харажатларини ўрганиш бўйича танланма кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби (Статистика агентлигининг 2023 йил 13 июндаги 36-сон

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>буйруғи);</p> <p>- Асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракатини ҳисоблаш бўйича услубий низом (Статистика агентлигининг 2023 йил 11 августдаги 57-сон буйруғи);</p> <p>- Ялпи ҳудудий маҳсулотни ҳисоблаш бўйича услубий низом (Статистика агентлигининг 2023 йил 11 августдаги 58-сон буйруғи).</p>
33	Ялпи ички маҳсулотнинг таркибий қисмларини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш.	1. Миллий ҳисоблар тизими соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқ ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми, таркиби ва динамикасига таъсир қилувчи кўрсаткичларни ҳисоблаш бўйича услубий қўлланмаларни жорий этиш.	2021 йил декабрь	А. Мамаджанов	<p>Бажарилган.</p> <p>Мазкур банднинг ижросини таъминлаш юзасидан Давлат статистика қўмитаси томонидан 2020-2021 йиллар давомида ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми, таркиби ва динамикасига бевосита таъсир қилувчи кўрсаткичларни “Миллий ҳисоблар тизими – 2008” халқаро стандартига мувофиқ ҳисоблаш бўйича 7 та услубий қўлланмалар ишлаб ва амалиётга жорий этилди.</p>
		2. Кузатилмайдиган иқтисодий баҳолаш учун Ресурслар ва фойдаланиш жадваллари тизимидан фойдаланиш.	2022 йилдан бошлаб		<p>Бажарилган.</p> <p>Қўмитанин 2021 йил 17 декабрдаги 01/1-03-01-81-сон хати Вазирлар Маҳкамаси юборилди.</p> <p>Ушбу хат орқали қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>1. Қашқадарё ва Наманган вилоятлари мисолида кузатилмайдиган (яширин ва норасмий) иқтисодий статистик баҳолаш ишлари амалга оширилди ҳамда муайян тармоқлар (улгуржи ва чакана савдо) бўйича ҳисоб-китоблар “Ресурслар ва ишлатилиш” жадваллари тизимида кўзда тутилган товарлар оқими усули асосида амалга оширилди. Кузатилмайдиган иқтисодий статистик баҳолаш натижалари бўйича маълумотнома ва таҳлилий жадваллар Қўмитанин 2021 йил 22 январдаги 01/1-03-01-8- сонли ҳамда</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>2021 йил 1 декабрдаги 01/1-03-01-76- сонли хатлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.</p> <p>2. Кузатилмайдиган иқтисодий статистик баҳолаш амалиётини “Ресурслар ва ишлатилиш” жадваллари тизимидан фойдаланиш орқали такомиллаштириш мақсадида “Ресурслар ва ишлатилиш жадвалларини тузиш бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди ва Қўмитанинг 2021 йил 16 декабрдаги 56- сон қарори билан тасдиқланди.</p> <p>3. Кузатилмайдиган иқтисодий баҳолаш учун “Ресурслар ва ишлатилиш” жадваллари тизимидан фойдаланиш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари юзасидан тайёрланган маълумотнома Қўмитанинг 2021 йил 17 декабрдаги 01/1-03-01-81-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.</p>
		<p>3. ЯИМнинг таркибий қисмларини баҳолашни такомиллаштириш орқали унинг тўлиқ камровини таъминлаш.</p>	<p>2020-2024 йиллар мобайнида</p>		<p>Бажарилмоқда.</p> <p>ЯИМ камровининг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида халқаро стандартларга мувофиқ уй-жой эгалари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган яшаш хизматлари ва унинг ЯИМга таъсири бўйича экспериментал ҳисоб-китоблар амалга оширилди.</p> <p>Шу билан бирга, якуний истеъмо (ҳаражатлар) усулидаги ЯИМни ҳисоблаш методологиясини такомиллаштириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:</p> <p>- экспорт-импорт кўрсаткичларини Ўзбекистон Республикасининг Тўлов баланси методологияси асосида шакллантирилди;</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>- уй хўжалиklarининг якуний истеъмолад харажатлари кўрсаткичига Тўлов балансининг “сафарлар” компонентини, яъни Ўзбекистон Республикаси резидентларининг чет элдаги сафарлар билан боғлиқ харажатлари киритилди;</p> <p>- моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши кўрсаткичи Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари таркибидаги расмий олтин захира активларининг ўзгаришини акс эттиришни назарда тутувчи ўзгаришларни киритиш асосида такомиллаштирилди.</p> <p>Натижада, якуний истеъмолад усулидаги ЯИМ ҳисоб-китоблари таркибидаги ташқи савдо, уй хўжалиklarининг якуний истеъмолад харажатлари ва моддий айланма воситалар захираларининг ўзгариши бўйича кўрсаткичлар қамрови кенгайтирилди.</p> <p>Ҳисоб-китоблар натижалари бўйича фойдаланувчилар учун батафсил маълумотнома тайёрланди ва қўмитанинг расмий веб-сайтида эълон қилинди.</p> <p>Амалга оширилган ишлар бўйича Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 31 апрелдаги 01/1-03-17/1-33-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълумотнома юборилган.</p>
		4. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини баҳоловчи статистик кўрсаткичлар тизимини илғор тажрибаларга	2020-2021 йилларда		<p>Бажарилган.</p> <p>Мазкур банднинг ижросини таъминлаш юзасидан Давлат статистика қўмитаси томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:</p> <p>1. АКТ секторининг статистик ҳисобини</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		мувофиқ ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.			<p>юрितिш методологияси халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар илғор тажрибалари билан солиштирган ҳолда ўрганиб чиқилди, уларни такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар тайёрланди ҳамда Қўмитанинг 2020 йил 29 июндаги 01/2-03-18/1-78-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратцияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилинди;</p> <p>2. Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат секторида яратилган қўшилган қийматнинг статистик ҳисобини юритишни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот тайёрланди ва Қўмитанинг 2020 йил 24 декабрдаги 01/1-03-17/1-86-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратцияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилинди;</p> <p>3. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси ўртасида “Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш ҳолати тўғрисида статистик маълумотларни тўплаш ва шакллантиришда ягона ёндашув ва методологияни ишлаб чиқиш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси” тасдиқланиб, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда;</p> <p>4. Ахборот технологиялари бўйича йиғма кўрсаткичларни шакллантириш ва унинг таркибига АКТ сектори билан биргаликда контент ва оммавий ахборот воситалари сектори ҳамда электрон савдо фаолиятларини ҳам қамраб олиш мақсадида Ахборот технологиялари ва</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>коммуникатсияларини ривожлантириш вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиёт статистикасини юритиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат йиғма кўрсаткичлар тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қўшма қарори имзоланди;</p> <p>Ушбу қўшма қарорга мувофиқ вазирлик ва қўмитанинг малакали мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ тузилди, шунингдек, соҳага оид кўрсаткичларни шакллантириш ва эълон қилишда ягона ёндашув ва методологияни таъминлаш мақсадида “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат” йиғма кўрсаткичи ҳамда унинг таркибига кирувчи фаолият турлари рўйхати ишлаб чиқилди.</p> <p>5. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини баҳоловчи статистик кўрсаткичларни шакллантириш тизимини йўлга қўйиш мақсадида “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат соҳаси бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажмини ҳисоблаш тартиби” ишлаб чиқилиб, Қўмитанинг 2021 йил 31 майдаги 16-сон қарори билан тасдиқланди ҳамда амалиётга жорий этилди;</p> <p>6. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини ифодаловчи “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат” йиғма кўрсаткичи 2017-2020 йиллар учун ҳисоблаб чиқилди ва йиллик даврийликда доимий асосда шакллантириб бориш амалиёти жорий этилди.</p> <p>“Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>соҳаси бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажмини ҳисоблаш тартиби” ишлаб чиқилиб, Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 31 майдаги 16-сон қарори билан тасдиқланди ҳамда амалиётга жорий этилди. Мазкур тартиб қўмита сайтида ҳам жойлаштирилган https://lib.stat.uz/images/document_uz/16_qaror.pdf. Шунингдек, ишлаб чиқилган тартиб асосида рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини баҳоловчи - “Ахборот иқтисодиёти ва электрон тижорат” йиғма кўрсаткичи 2017-2020 йиллар учун ҳисоблаб чиқилди ва йиллик даврийликда доимий асосда шакллантириб бориш йўлга қўйилди. Шакллантирилган маълумотлар Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тақдим этилган. Келгусида мазкур кўрсаткич йиллик даврийликда шакллантирилиб, фойдаланувчиларга доимий тақдим этиб борилади.</p>
34	Халқаро таққослаш дастурида иштирок этиш.	1. “Халқаро таққослаш дастури-2020”да Ўзбекистон Республикаси иштирокини таъминлаш.	2020-2021 йилларда	М. Умаров, А. Мамаджанов	<p>Бажарилган. Қўмитанинг 2021 йил 20 декабрдаги 01/1-05-15/2-153-сон хати Вазирлар Маҳкамасига юборилди. Усғбу хат орқали қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>1. ХТД бўйича Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари бўйича ҳудудий мувофиқлаштирувчи МДХ Давлатлараро статистика қўмитаси билан ҳамкорлик ўрнатиш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди.</p> <p>Статистика қўмитаси томонидан 2018-йилда Москва шаҳрида ташкил этилган, “Халқаро</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>таққослаш дастури-2017 (ХТД-2017)” тадбири иштирокчи давлатлари иштирокида мазкур тадбир доирасида амалга оширилган ишлар муҳокамаларига бағишланган йиғилишда Давлат статистика қўмитаси масъул ходимлари иштирок этиб, Ўзбекистон Республикасининг “ХТД-2017” доирасида экспериментал иштирокини ташкил этиш бўйича МДХ Статистика қўмитаси мутахассисларининг таклиф ва тавсиялари олинди.</p> <p>Мазкур тавсиялар асосида Давлат статистика қўмитаси томонидан 2018- йилда МДХ Статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган алоҳида 2100 дан зиёд истеъмол товарлари ва хизматларидан 1700 дан ортигининг бирламчи нархлари рўйхатга олиниб, МДХ статистика қўмитасига тақдим этилди.</p> <p>2019 йилнинг 14-15 октябрь кунлари Давлат статистика қўмитасида МДХ Статистика қўмитаси ва Беларус Республикаси статистика хизмати мутахассислари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг “ХТД-2017” доирасидаги иштироки натижалари бўйича амалий семинар бўлиб ўтди ҳамда ушбу тадбирда халқаро экспертлар томонидан ХТД доирасида кузатувларни ташкил этиш, маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш борасида зарур тавсиялар берилди.</p> <p>Ўз навбатида, мазкур тадбир Ўзбекистон Республикасининг ХТДнинг навбатдаги глобал раундларида иштирок этиши учун етарлича билим ва тажрибалар тўплашига замин яратди.</p> <p>2. 2019 йилнинг декабрь ойида Москва шаҳрида (Россий Федератсияси) ташкил этилган</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>МДХ давлатлари статистика хизматлари мутахассисларининг навбатдаги йиғилишида Давлат статистика қўмитасининг масъул ходимлари “ХТД-2020” глобал дастури доирасида ташкилий масалалар муҳокамаларида иштирок этдилар ва мазкур йиғилишда кузатиладиган ва келишилди ҳамда ҳар бир гуруҳлар бўйича кузатувларни ташкил этиш юзасидан алоҳида тавсиялар берилди.</p> <p>Дунёда коронавирус (СОВИД 2019) пандемиясининг тарқалиши туфайли юзага келган глобал вазият туфайли, МДХ статистика қўмитасининг 2020 йил 29 апрелдаги №4-ВС/1–47-сонли хати билан “ХТД-2020” раундини 2020 йилдан 2021 йилга ўтказиш бўйича қарор қабул қилинганлиги тўғрисида маълум қилинди.</p> <p>Шунга қарамай, тажриба тўплаш мақсадида, 2020 йил учун МДХ статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган 2200 дан ортиқ турдаги товарлар ва хизматлар бўйича Давлат статистика қўмитаси томонидан нархлар кузатувлари ўтказилди ҳамда кузатув маълумотлари махсус электрон жадвалларда умумлаштирилди.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон Қарориди Ўзбекистон Республикасининг “ХТД-2021” раундида муносиб иштирокини таъминлаш юзасидан белгиланган вазифаларга мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси тузилмасида,</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>Қўмитанинг Нархлар статистикаси бошқармаси таркибида алоҳида, Халқаро таққослаш дастури бўйича нарх кузатувлари статистикаси бўлими очилди.</p> <p>“ХТД-2021” доирасида тайёргарлик ишлари давомида Қўмитанинг тегишли таркибий бўлинмалари ходимлари билим ва малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, “ХТД-2021” масалалари билан бевосита шуғулланувчи ходимлар МДХ Статистика қўмитаси томонидан ташкил қилинган қатор ўқув семинарларда қатнашдилар.</p> <p>Шунингдек, МДХ мамлакатлари статистика идоралари билан “ХТД-2021”да иштирок этишнинг ташкилий ва услубий масалалари борасида ўзаро тажриба алмашиш юзасидан ҳамкорлик ўрнатилди.</p> <p>4. “ХТД–2021” доирасида 2020 йил 21-22-декабрь кунлари МДХ Статистика қўмитаси томонидан ташкил этилган онлайн форматдаги йиғилишда кузатиладиган товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича муҳокамалар ўтказилди ҳамда яқунда товарлар ва хизматлар рўйхати шакллантирилиб, шунингдек, “ХТД-2021” доирасида ишларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси лойиҳаси иштирокчи давлатлар ўртасида келишилди. Шу билан бирга, МДХ Статистика қўмитаси томонидан 2021 йил 18 январьда “МДХ минтақасида 2021 йил маълумотлари бўйича Халқаро таққослашлар дастурини (ХТД-2021) амалга ошириш бўйича чоратадбирлар режаси” тасдиқланди.</p> <p>5. 2021 йилнинг январь ойида Давлат статистика қўмитаси томонидан нарх</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>кузатувларини ўтказиш учун кузатиладиган товарлар ва хизматлар рўйхати асосида Тошкент шаҳри ҳудудларидан савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари танлови амалга оширилиб, уларнинг рўйхати шакллантирилди.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси томонидан “ХТД-2021” доирасида, МДХ Статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, 2021 йил давомида ҳар чорақда нарх кузатувлари ташкил этиб борилди.</p> <p>6. Жорий йилнинг I чорагида МДХ Статистика қўмитаси томонидан биринчи босқичда тақдим этилган 8 гуруҳдан иборат вакил - истеъмол товарлар ва хизматлар рўйхатидан, жами 1900 га яқин товарлар ва хизматларнинг истеъмол нархлари қайд этилди.</p> <p>Мазкур товарлар ва хизматларнинг ўртача нархлари тўғрисидаги статистика маълумотлар шакллантирилди ҳамда гуруҳлар бўйича Харид қилиш паритети (ХҚП)ни дастлабки ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун МДХ статистика қўмитасига тақдим этилди.</p> <p>7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон Қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг 34-бандида белгиланган вазифаларга мувофиқ, “ХТД-2021” доирасида иккинчи босқичда тақдим этилган “Қурилиш материаллари” ва “Инвеститсион товарлар” гуруҳлари бўйича нарх маълумотларини шакллантириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>Мазкур товарларнинг ўртача нархлари тўғрисидаги статистика маълумотлар шакллантирилди ҳамда гуруҳлар бўйича Харид қилиш паритети (ХҚП)ни ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун МДХ статистика қўмитасига тақдим этилди.</p> <p>Шу билан бирга, МДХ Статистика қўмитасининг 2021 йил 18 январьдаги “МДХ минтақасида 2021 йил маълумотлари асосида Халқаро таққослашлар дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси”га мувофиқ 2021 йил учун белгиланган барча тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг иштироки тўлиқ таъминланди.</p> <p>8. МДХ Статистика қўмитасининг чора-тадбирлар режасига мувофиқ, 2022 йилнинг июнь ойида жами 10 та гуруҳ бўйича товарлар ва хизматларнинг йиллик ўртача нархлари тўғрисидаги маълумотлар ҳудудий координаторга тақдим этилди.</p>
		<p>2. “Халқаро таққослаш дастури” доирасида “Инвеститсион товарлар” бўйича нарх маълумотларини шакллантиришда Қурилиш вазирлиги маълумотларини ҳисобга олиш.</p>	<p>2021 йил давомида</p>		<p>Бажарилган.</p> <p>Мазкур банднинг ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди:</p> <p>1. ХТД-2021 доирасида МДХ статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган “Қурилиш материаллар” ва “Инвеститсион товарлар” гуруҳлари рўйхати бўйича нарх тўғрисидаги маълумотларни тўплаш борасида Қурилиш вазирлиги билан ҳамкорликни ўрнатиш мақсадида Қўмита томонидан жорий йилнинг июн ойида алоқа хатлари юборилди.</p> <p>Мазкур хатларга жавобан, Қурилиш вазирлиги томонидан кузатувларда фойдаланиш</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>учун тегишли маълумотлар тақдим этилди.</p> <p>2. Кузатув доирасида Қурилиш вазирлиги билан ҳамкорликда маълумотлар алмашуви йўлга қўйилиб, МДХ статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган режа-жадвалга мувофиқ жорий йил учун “Қурилиш материаллари” ва “Инвеститсион товарлар” гуруҳининг нархлари кузатуви ўтказилди ва маълумотлар шакллантирилди.</p> <p>3. МДХ статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган “Инвеститсион товарлар” рўйхати бўйича жорий йилда ўтказилган кузатув натижалари бўйича шакллантирилган нархлар тўғрисидаги якуний маълумотлар умумлаштирилди ва таҳлил ишлари амалга оширилиб, режа-жадвалга мувофиқ, кузатувлар натижалари жорий йилнинг ноябрь ойида қўмитанинг 01/1-06-11/3-261-сон хат билан МДХ статистика қўмитасига тақдим этилди.</p>
		3. Халқаро таққослашлар дастурининг доимий глобал раундларида иштирок этиб бориш ва натижалари асосида харажатлар усулидаги ЯИМ ҳисоб-китобларини ХТД талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш.	ХТД графигига мувофиқ		<p>Бажарилган.</p> <p>Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Давлат статистика қўмитаси томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:</p> <p>1. Халқаро стандартлар ва ХТД талабларидан келиб чиқиб “Ялпи ички маҳсулотни якуний истеъмол усулида ҳисоблаш бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди ва Қўмитанинг 2020 йил 30 ноябрдаги 44-сонли қарори билан тасдиқланиб, амалиётга жорий этилди.</p> <p>2. ХТД талабларидан келиб чиққан ҳолда якуний истеъмол усулидаги ЯИМ кўрсаткичининг таркибий қисмларини халқаро классификацияларга мувофиқ батафсиллаштириш</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>амалиёти жорий этилди.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикасининг “ХТД-2021”да иштирок этиши юзасидан зарурий маълумотларни шакллантириш ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Статистика қўмитасига тақдим этиш бўйича Давлат статистика қўмитасининг иш режаси тасдиқланди.</p> <p>4. Халқаро таққослаш дастури доирасида нарх кузатувларини ташкил этиш бўйича Кўрсатма ишлаб чиқилди.</p> <p>5. Ўзбекистон Республикасининг ХТДнинг навбатдаги глобал босқичида муносиб иштирокини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот хати киритилди (2021 йил 6 декабрдаги 01/1-05-15/2-117-сон хат).</p>
5.3. Кузатилмайдиган иқтисодиёт бўйича статистикани такомиллаштириш					
35	Яширин сектор бўйича кенг қамровли статистик маълумотларни ишлаб чиқишни йўлга қўйиш.	Халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларга мувофиқ, яширин иқтисодиётни статистик баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш асосида тармоқлар статистикаси кўрсаткичлари ва ЯИМ ҳисоб-китобларини такомиллаштириш.	2020-2021 йиллар	А. Мамаджанов, тармоқ бошқармалар бошлиқлари	<p>Бажарилган.</p> <p>Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Давлат статистика қўмитаси томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:</p> <p>1. Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар экспертлари билан ҳамкорликда ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида “Кузатилмайдиган иқтисодиётни статистис баҳолаш бўйича услубий низом” ишлаб чиқилди ва Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 31 апрелдаги 15-сонли қарори билан тасдиқланди.</p> <p>2. Халқаро экспертлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган махсус</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>сўровномалар асосида Қашқадарё (2020 йилнинг 21 август – 15 сентябрь кунлари) ва Наманган (2021 йилнинг 24 май – 23 июнь ҳамда 26 июль – 14 август кунлари) вилоятларининг барча туманларида юридик ва жисмоний шахсларнинг яширин ва норасмий фаолиятини ўрганиш бўйича танланма кузатувлар ташкил қилинди. (Қўмитанинг 2021 йил 19 майдаги 43-сон ҳамда 7- сентябрьдаги 76-сон буйруқлари).</p> <p>3. Кузатилмайдиган (яширин ва норасмий) иқтисодиётни статистика баҳолашда қўшимча маълумотлар манбаи сифатида фойдаланиш учун вазирлик ва идоралар (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси в.б.)дан тегишли маъмурий маълумотлар олинди ва таҳлил қилинди.</p> <p>4. Ўтказилган танланма кузатувлар натижаларини ва маъмурий маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида кузатилмайдиган (яширин ва норасмий) иқтисодиёт ҳажми бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилди ҳамда уларнинг тармоқлар статистикаси ва ЯИМ кўрсаткичларига таъсири баҳоланди.</p> <p>Шунингдек, Қашқадарё ва Наманган вилоятларида кузатилмайдиган (яширин ва норасмий) иқтисодиётни статистика баҳолаш натижалари юзасидан батафсил маълумотнома ва таҳлилий жадваллар тайёрланиб, қўмитанинг 2021 йил 22 январьдаги 01/1-03-01-8-сонли ҳамда 2021 йил 1 декабрдаги 01/1-03-01-76-сонли хатлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					юборилди.
5.4 Нархлар статистикасини такомиллаштириш					
36	Истеъмом нархлари статистикасини такомиллаштириш.	1. Халқаро стандартларга мувофиқ истеъмом нархлари индексини ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш.	2020 йил декабрь	М. Умаров	<p>Бажарилган. Қўмитанинг 2020 йил 06 октябрдаги 01/2-05-14/2-9-сон хати Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига, 01/2-05-14/2-94-сон хати Марказий банккага “Товар ва хизматларнинг истеъмом нархлари индексини (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ва истеъмом нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом” лойиҳаси юборилди.</p> <p>2020 йилнинг 30 ноябрь куни Қўмитанинг 46-сон қарори билан “Товарлар ва хизматларнинг истеъмом нархлари (тарифлари) кузатувини ташкил этиш ҳамда истеъмом нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом” тасдиқланда ва ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, шунингдек, Марказий банк билан келишилди.</p>
		2. Истеъмом нархлари индекси кузатуви ўтказиладиган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари танловини Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотлари асосида амалга оширишни жорий қилиш.	2020 йил декабрь		<p>Бажарилган. Истеъмом нархлари индекси кузатуви ўтказиладиган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари рўйхати шакллантирилиб, Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотлари асосида амалга оширилиб, якуний рўйхат тегшли тартибда ҳудудий статистика бошқармалари томонидан шакллантирилди.</p>
		3. Истеъмом нархлари индекси кузатувларини “Мақсадлар	2021 йил январь		<p>Бажарилган. Истеъмом нархлари индекси кузатувларига</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		бўйича шахсий истеъмоЛ таснифлагичи-2018” асосида ташкиЛ этилишини таъминлаш.			<p>Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмоЛ таснифлагичи – 2018 таснифлагичини босқичма-босқич жорий этиш мақсадида, 2019 йилнинг якунида (МИИТ-2018) асосида истеъмоЛ нархлари индекси кузатувларининг товарлар ва хизматлар тўплами қайта кўриб чиқилди, тўплам 386 та товар ва хизматлардан 510 тага кенгайтирилди ҳамда 2020 йилда истеъмоЛ нархлари индекси кузатувларида қисман МИИТ-2018 асосида шакллантирилган товар ва хизматлар тўплами кузатилди.</p> <p>Шунингдек, давлат статистика органлари томонидан уй хўжаликларида истеъмоЛ харажатлари кузатувлари тўлиқ МИИТ-2018 асосида олиб борилди ва бу, ўз навбатида, истеъмоЛ нархлари индекси кузатувларига тўлиқ мазкур таснифлагични жорий этиш имконини берди.</p> <p>2020 йил якунида истеъмоЛ нархлари индекси кузатувларининг товарлар ва хизматлар тўплами МИИТ-2018 ва уй хўжаликларидаги истеъмоЛ харажатлари маълумотлари асосида қайта кўриб чиқилди ҳамда 2021 йил учун товарлар ва хизматлар тўплами тўлиқ МИИТ-2018 таснифлагичига мослаштирилди.</p> <p>Давлат статистика кўмитасининг 2020 йил 30 ноябрдаги 46-сонли қарори.</p>
		4. ИстеъмоЛ нархлари индекси маълумотларини шакллантиришда онлайн касса тизимларига босқичма-босқич интегратсиялаш.	2020-2024 йилларда		<p>Бажарилган.</p> <p>ИНИ кузатувларида кузатиладиган товарлар бўйича нархларни Солиқ органларининг онлайн касса тизимларидан олиш мақсадида Давлат статистика кўмитаси томонидан зарур маълумотлар рўйхати шакллантирилди ва Солиқ</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>қўмитасига тақдим этилди.</p> <p>Хозирги кунда, истеъмол нархлари индекси маълумотларини шакллантиришда онлайн касса тизимларига босқичма-босқич интеграциялаш бўйича Давлат солиқ қўмитаси мутахассислари билан ҳамкорликда маълумотлар базаларини солиштириш, таснифлагичларни мослаштириш бўйича ишлари олиб борилмоқда.</p> <p>2023 йилнинг 4 майида имзоланган Технологик йўриқномага асосан, Статистика агентлиги ва Солиқ қўмитасининг онлайн назорат касса машиналари ахборот тизими интеграцияси йўлга қўйилди.</p> <p>2023 йилнинг ноябрь ойида интеграция канали орқали Солиқ қўмитаси ахборот тизимига сўров юборилди. Натижада:</p> <p>Солиқ қўмитаси ахборот тизимидан нархлар тўғрисида маълумот Статистика агентлиги ахборот тизимида келиб тушди.</p> <p>Келиб тушган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида Солиқ қўмитаси ахборот тизимидан нархлар тўғрисидаги маълумотлар истеъмол нархлари индекси ҳисоб-китобларида фойдаланиш учун танлаб олинди.</p>
		5. Истеъмол нархлари индекси кузатувлари ва вазнлари ҳисоблаш жараёни шаффофлигини таъминлаш.	доимий		<p>Истеъмол нархлари индекси кузатувлари натижалари ҳамда ҳисоб-китобларда қўланиладиган вазнлар ҳар ой якуни билан Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилди.</p> <p>Шу билан бирга, интеграцияни йўлга қўйиш бўйича Солиқ қўмитасининг масъул мутахассислари билан қатор ишчи учрашувлар ташкил этилди. Синов режимида Корзинка</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>супермаркети бўйича нархлар тўғрисидаги маълумотлар олиниб таҳлил қилинди.</p> <p>Бугунги кунда, Солиқ қўмитасида онлайн назорат касса машиналари ахборот тизимидаги маълумотларни таҳлил қилиш бўйича ишлар олиб борилаётганлиги сабабли, 2023 йилнинг 3- чорагида маълумотларни узатиш тезлигини ошириш имкониятини кўриб чиқишга келишиб олинди.</p>
37	Ишлаб чиқарувчилар нархлари статистикасини такомиллаштириш.	1. Ишлаб чиқарувчилар нархлари индексларини ҳисоблаш бўйича услубий низомни такомиллаштириш.	2020-2021 йилларда	М. Умаров	<p>Бажарилган.</p> <p>Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Давлат статистика қўмитаси томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:</p> <p>1. Нархлар статистикасининг мазкур йўналишлари бўйича халқаро стандартлар ва тажрибани ўрганиш ҳамда амалиётга жорий этиш юзасидан Халқаро валюта жамғармаси томонидан 2020 йил 26 октябрь – 6 ноябрь, 2021 йил 19-23 апрель, 12-16 июль саналарида ташкил этилган техник кўмак миссияларида халқаро экспертлардан зарур тавсиялар олинди.</p> <p>2. Техник кўмак миссиясида олинган тавсияларни амалиётга жорий этиш мақсадида, алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.</p> <p>3. Халқаро амалиётни жорий этиш мақсадида ишлаб чиқарувчиларнинг sanoat маҳсулотлари нархлари индексини ҳисоблашда йирик корхоналар ва кичик тадбиркорлик субъектлари маълумотлари базаларини бирлаштирган ҳолда ҳисоб-китоблар амалга оширилди.</p> <p>4. Ишлаб чиқарувчилар нархлари индексини шакллантириш бўйича халқаро</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		2. Экспорт ва импорт товарлар нархлари индекслари маълумотларини кенгайтириш ва ҳисоблаш амалиётини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш.			<p>экспертлар тавсиялари асосида амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилди. (2021 йил 15 ноябрдаги 01/1-05-15/2-139-сон хат).</p> <p>5. “Ишлаб чиқарувчиларнинг sanoat маҳсулотлари нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қўмитанинг 2021 йил 19 ноябрдаги 44-сон қарори билан тасдиқланди.</p> <p>Бажарилган.</p> <p>Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Давлат статистика қўмитаси томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:</p> <p>1. Нархлар статистикасининг мазкур йўналиши бўйича халқаро стандартлар ва тажрибани ўрганиш ҳамда амалиётга жорий этиш юзасидан Халқаро валюта жамғармаси томонидан 2021 йил 15-19 март саналарида ташкил этилган техник кўмак миссиясида халқаро экспертлардан зарур тавсиялар олинди.</p> <p>2. Техник кўмак миссиясида олинган тавсияларни амалиётга жорий этиш мақсадида, алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.</p> <p>3. Халқаро амалиётни жорий этиш мақсадида экспорт-импорт нархлари индексини шакллантириш учун корхоналар қамрови кенгайтирилди.</p> <p>4. “Экспорт ва импорт нархлари индексини ҳисоблаш боғйича услубий низом” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қўмитанинг 2021 йил 23 ноябрдаги 47-сон қарори билан тасдиқланди.</p> <p>5. Амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		3. Уй-жой бозорида нархлар индексларини ҳисоблаш услубиятини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш.			<p>ахборот хати юборилди. (2021 йил 10 декабрдаги 01/1-05-15/2-144-сон хат).</p> <p>Бажарилган.</p> <p>Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Давлат статистика кўмитаси томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:</p> <p>1. Жорий йилда ХВЖ экспертлари иштирокида ишлаб чиқариш ва истеъмол нархлари статистикаси йўналишларида ўтказилган техник кўмак миссиялари давомида уй-жой нархлари индексини шакллантириш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш юзасидан халқаро экспертлар билан муҳокамалар ўтказилиб, зарур тавсиялар олинди.</p> <p>Шу билан бирга, жорий йилнинг 29- ноябрь – 3 декабрь кунлари ХВЖ экспертлари иштирокида айнан уй-жой нархлари индекси бўйича техник кўмак миссияси ташкил этилиб, илғор хорижий тажрибалар, шунингдек, амалиётни янада такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар ўрганилди.</p> <p>2. Мазкур тавсиялар асосида “Уй-жой нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом” лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан ишлар олиб борилди ҳамда кўмитанинг 2021 йил 7 декабрдаги 54-сон қарори билан “Уй-жой нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом” қабул қилинди.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот хати юборилди. (2021 йил 10 декабрдаги 01/1-05-15/2-144-сон хат).</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		4. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индексларини шакллантириш бўйича услубий низом ишлаб чиқиш.			<p>Бажарилган. Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Давлат статистика қўмитаси томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:</p> <p>1. Нархлар статистикасининг мазкур йўналишлари бўйича халқаро стандартлар ва тажрибани ўрганиш ҳамда амалиётга жорий этиш юзасидан Халқаро валюта жамғармаси томонидан 2020 йил 26 октябрь – 6 ноябрь, 2021 йил 19-23 апрел, 12-16 июль саналарида ташкил этилган техник кўмак миссияларида халқаро экспертлардан зарур тавсиялар олинди.</p> <p>2. Техник кўмак миссиясида олинган тавсияларни амалиётга жорий этиш мақсадида, алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.</p> <p>3. Халқаро амалиётни жорий этиш мақсадида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари нархлари индексини ҳисоблаш учун синов тариқасида улгуржи деҳқон бозорларида кузатувлар ўтказилди ҳамда синов натижалари ижобий қабул қилиниб, 2022 йил учун янги кузатув сўровномаси тасдиқланди.</p> <p>4. “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қўмитанинг 2021 йил 23 ноябрдаги 48-сон қарори билан тасдиқланди.</p>
5.5 Уй хўжаликлари кузатувларини такомиллаштириш					
38	Уй хўжаликлари танлама	1. Халқаро экспертлар иштирокида уй хўжаликлари	2021 йил	У. Мадаминов, Д. Закиров,	Бажарилган. Қўмитанинг 2021 йил 14 декабрдаги 01/1-

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
	кузатувларини такомиллаштириш.	танлама кузатувларини ташкил этиш услубиятини такомиллаштириш, кузатув саволномаларини халқаро стандартларга мослаштириш.		Ш. Джанадилов, Ш. Одилов	<p>13-17/1-128-сон хати Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.</p> <p>Мазкур вазифа ижроси доирасида Давлат статистика қўмитаси томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:</p> <p>1. Жаҳон банки экспертлари ҳамда БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси тавсиялари асосида, “Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низом”и тасдиқланди (Қўмитанинг 2020 йил 27 ноябрдаги 41-сон қарори).</p> <p>2. Жаҳон банки томонидан тавсия этилган уй хўжаликлари танланма кузатувлари бўйича такомиллашган саволномалар 2021- йил январь ойидан бошлаб амалиётга жорий.</p> <p>3. “Уй хўжаликларида танланма кузатувларни ўтказиш бўйича интервьюерлар учун қўлланма” тасдиқланди ҳамда амалиётга жорий этилди (Қўмитанинг 2021 йил 26 февралдаги 3-сон қарори).</p> <p>Уй хўжаликлари танланма кузатувларини ташкил этиш услубиятини такомиллаштириш, кузатув саволномаларини халқаро стандартларга мослаштиришда Жаҳон банки экспертлари William Hutchins Seitz wseitz@worldbank.org, Sevilya Murodova murodova@worldbank.org, ҳамда Avralt-Od Purevjav avraltod@gmail.com иштирок этишди. Ушбу Жаҳон банки экспертлари тавсиялари асосида, Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 27 ноябрдаги 41-сонли қарори билан “Уй хўжаликларида кузатув ўтказиш бўйича услубий низом”и тасдиқланди, кузатув сўровномалари янгиланди ҳамда амалиётга жорий этилди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		2. Аҳоли турмуш даражаси маълумотлари сифатини ҳамда турли тоифадаги аҳоли қатлами қамровини таъминлаш мақсадида уй хўжаликлари кузатувлари танланмаси ҳажмини босқичма-босқич ошириб бориш.	2021-2023 йиллар мобайнида		<p>Бажарилган. 2021 йилда 10 593 та уй хўжалигида танланма кузатув ўтказилди. 2022 йил январь-декабрь ойлари якунлари бўйича 14 000 та уй хўжаликларида танланма кузатувлар ўтказилди ҳамда ҳисоб-китоби амалга оширилди. Шунингдек, 2023 йил якуни бўйича 16 000 та уй хўжаликларида кузатувлар ўтказиш режалаштирилган.</p>
		3. Кузатувларнинг янги шакллари жорий этиш (автоматлаштирилган шахсий сўров технологиялари), кузатув маълумотларини таҳлил қилиш учун замонавий дастурий таъминотни жорий қилиш.	2021-2023 йиллар мобайнида		<p>Бажарилган. 2021 йилдан бошлаб такомиллаштирилган услубиёт ва саволномалар асосида уй хўжаликлари танланма кузатувларини планшетларда ўтказиш тўлиқ жорий этилди ҳамда замонавий КоБоТоолбох ва СТАТА дастурий таъминотдан фойдаланиш йўлга қўйилди. Ушбу дастурий таъминот орқали 2021-2022 йиллар чораклик ва йиллик кузатув маълумотлари таҳлил қилинди, ҳисобланди. Шунингдек, 2023 йил январь-март, январь-июнь, январь-сентябрь чораклик кузатув маълумотлари таҳлил қилинди, ҳисобланди.</p>
39	Аҳолининг умумий даромадларини ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш.	Халқаро тавсиялар ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикасида аҳолининг умумий даромадларини ҳисоблаш услубиятини такомиллаштириш ва амалиётга жорий қилиш.	2020-2021 йилларда	У. Мадаминов, Д. Закиров,	<p>Бажарилган. Қўмитанинг 2021 йил 14 декабрдаги 01/1-13-17/1-129-сон хати Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган. Мазкур топшириқ ижроси доирасида “Аҳолининг умумий даромадларини ҳисоблаш услубияти” ишлаб чиқилди ҳамда Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 30 июлдаги 30-сон қарори билан тасдиқланди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ҳолатига аҳолининг умумий даромадлари такомиллашган</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					услугият асосида ҳисобланди ва қўмита веб сайтида эълон қилинди (https://stat.uz/images/aholi_sentabr_uz_26_10_2021.pdf).
5.6 Ташқи сектор ва савдо статистикасини такомиллаштириш					
40	Ўзбекистон Республикаси товарлар ташқи савдоси бўйича статистик кўрсаткичларни шакллантиришда, ТИФ ТН билан биргаликда, БМТнинг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичини (ХССТ-2008) амалиётга жорий қилиш.	БМТнинг савдо ва ривожланиш конференцияси (ЮНКТАД) доирасида ишлаб чиқилган Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи (МСТК-2008) асосида, шунингдек, экспорт-импорт таркибини таҳлил қилишда, тегишли статистик маълумотлар шакллантириб, фойдаланувчиларга тақдим этиб бориш.	Доимий	Б. Иргашев	Ойлик Ташқи савдо статистикаси кўрсаткичларини шакллантириш ҳамда таҳлил қилишда, БМТнинг савдо ва ривожланиш конференцияси (ЮНКТАД) доирасида ишлаб чиқилган Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи асосида шакллантирилган Ташқи савдо статистикаси тўғрисидаги кўрсаткичлар фойдаланувчиларга тақдим этиб борилмоқда. Шунингдек мазкур кўрсаткичлар статистика қўмитасининг расмий сайти стат.узда эълон қилинмоқда.
41	Ташқи савдо бўйича йирик маълумотлар базаларини қайта ишлаш жараёنларига замонавий дастурий таъминотларни жорий қилиш.	1. Ташқи савдо статистикаси маълумотлар базасини шакллантириш ва таҳлил этишнинг мавжуд муаммоларини инвентаризатсия қилиш.	2020 йил август	Б. Иргашев, Ш. Одилов	Бажарилган. Ташқи савдо маълумотлар базасини шакллантириш билан ишланадиган махсус дастурий таъминот инвентаризатсия қилинди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, маълумотлар билан ишлаш жараёнида қатор ноқулайликлар келиб чиқиши, хусусан: биринчидан , дастурий таъминотда кўп йиллик маълумотларнинг динамик қаторлари билан ишлашда қийинчиликлар мавжудлиги; иккинчидан , бир вақтни ўзида Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасининг

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>(ТИФТН) 2, 4, 6 ва 10 хос рақами билан ишлаш жараёнининг мураккаблиги;</p> <p>учинчидан, жорий дастурий таъминот воситалари, мавжуд барча маълумот базаларидан умумлаштирилган ҳолда фойдаланиш имкониятини бера олмаслиги ;</p> <p>тўртинчидан, йилдан йилга экспорт товарлари ҳажми ва экспорт географияси ортиб бориши, қайд ёзувларнинг кўпайишига олиб келади. Ўз навбатида жорий дастурий таъминотда маълумотларни сақлаш учун қайд ёзувлар сони чегараланганлиги аниқланди.</p>
		<p>2. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва мавжуд махсус дастурий таъминотни самарадорлигини ошириш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқиш.</p>	<p>2020 йил сентябрь</p>		<p>Бажарилган.</p> <p>Ташқи савдо маълумотлар базасини шакллантириш билан ишланадиган махсус дастурий таъминотни такомиллаштириш борасида инвентаризатсия қилинди. Дастурий техник таъминот воситасида маълумотларни шакллантириш ва таҳлил қилишда юзага келаётган муаммолар;</p> <ul style="list-style-type: none"> - дастурий таъминотда кўп йиллик маълумотларнинг динамик қаторлари билан ишлашда қийинчиликлар мавжудлиги; - бир вақтни ўзида Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатурасининг (ТИФТН) 2, 4, 6 ва 10 хос рақами билан ишлаш жараёнининг мураккаблиги; - жорий дастурий таъминот воситалари, мавжуд барча маълумот базаларидан умумлаштирилган ҳолда фойдаланиш имкониятини бера олмаслиги аниқланди. <p>Мазкур муаммоларни бартараф этиш ҳамда иш самарадорлигини ошириш бўйича техник</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>топшириқ ишлаб чиқилди. Ушбу техник топшириқ кўмитанинг Ахборот-коммуникатсия технологияларини ривожлантириш ва интерактив давлат хизматлари бошқармасига 2020 йилнинг 15 сентябрь санасида тақдим этилди. Бажарилган ишлар юзасидан Давлат статистика кўмитаси Раиси Б.Бегаловга билдиришнома киритилган.</p>
		3. Махсус дастурий таъминотни техник топшириқ асосида такомиллаштириш.	2020 йил декабрь		<p>Бажарилган.</p> <p>Ташқи савдо маълумотлар базасини шакллантириш билан ишланадиган махсус дастурий таъминот кўмитанинг Ахборот-коммуникатсия технологияларини ривожлантириш ва интерактив давлат хизматлари бошқармаси томонидан такомиллаштирилди. Мазкур дастурий таъминот Microsoft Access 97 версиясидан Microsoft Access 2007 версиясига ўтирилди.</p> <p>Дастурий таъминотда қуйидаги ўзгаришлар амалга оширилди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Хусусан ташқи савдо статистикаси кўрсаткичларини шакллантиришда Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) 2, 4 ва 10 хос рақами бўйича маълумотларни товарлар кесимида ҳамда давлатлар кесимида шакллантириш учун Конструктор макетов ёрдамида Отчет яратилди. - Божхона юк декларатсиясида акс этирилмайдиган товар ва хизматлар экспорти бўйича якуний маълумотларни, маълумотлар базасига киритиш бўйича Конструктор макетов ёрдамида Отчет яратилди. - Ташқи савдо статистикаси кўрсаткичларида икки марта такрорланадиган, хато шакллантирилган кўрсаткичларни аниқлаш бўйича

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>Конструктор макетов ёрдамида Отчет яратилди.</p> <p>- Ташқи савдо оператсияларини амалга оширувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришда Солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР)дан фойдаланиш ташкил этиш учун, маълумотлар базаси макетига устун қўшилди.</p> <p>- Юқоридаги келтирилган қатор амаллар бажарилиб, дастурий таъминот синовдан ўтказилди.</p>
42	“Ташқи савдо оператсияларининг ягона электрон ахборот тизими” (ТСОЯЕАТ)га уланиш орқали хизматлар экспорти ва импорти бўйича маълумотлар сифатини ошириш.	<p>1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси ўртасида маълумотлар алмашинуви, интегратсиялаш бўйича битим тузиш.</p>	2020 йил август-октябрь ойлари	Б. Иргашев, Ш. Одилов	<p>Бажарилган. Ушбу банднинг асосий ижрочиси сифатида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги этиб белгиланган.</p> <p><i>Маълумот учун:</i> <i>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарорига мувофиқ ТСОЯЕАТга эгалик қилиш, уни юритиш ва бошқариш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.</i></p> <p>Қўмита томонидан мазкур банд ижросини ўз муддатларида таъминлаш ва тегишли чоралар қўрилиши лозимлиги ҳақида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 2020 йил 23 октябрдаги 01/3-09-15/2-218-сон хат билан расмий мурожаат қилинган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.</p>
		2. Тузилган битим асосида техник йўриқнома ишлаб			<p>Бажарилган. Ушбу банднинг асосий ижрочиси сифатида</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		чиқиш ва Давлат статистика қўмитасини ТСОҲЕАТга уланишини амалга ошириш.			<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги этиб белгиланган.</p> <p><i>Маълумот учун: Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон қарорига мувофиқ ТСОҲЕАТга эгалик қилиш, уни юритиш ва бошқариш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.</i></p> <p>Қўмита томонидан мазкур банд ижросини ўз муддатларида таъминлаш ва тегишли чоралар кўрилиши лозимлиги ҳақида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 2020 йил 23 октябрдаги 01/3-09-15/2-218-сон хат билан расмий мурожаат қилинган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.</p>
43	Республика экспорт – импортида туризм ҳажмини тўлиқ ҳисобга олинишини ва туризм статистикаси кўрсаткичларини сифатини таъминлаш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш тизимини	1. Бир ой давомида ҳар бир кирувчи (норезидент) ва чиқувчи (резидент) фуқароларнинг сафарлар сони ҳақидаги маълумотларни шакллантириш алгоритминини ишлаб чиқиш.	2020 йил ноябр	Б. Иргашев	<p>Бажарилган.</p> <p>Мазкур банди ижроси борасида Давлат статистика ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда бир ой давомида ҳар бир кирувчи (норезидент) ва чиқувчи (резидент) фуқароларнинг сафарлар сони ҳақидаги маълумотларни шакллантириш алгоритми ишлаб чиқилди.</p> <p>Мазкур маълумотлар жадвали ишчи тартибда ДХХ Чегара қўшинлари ходимлари билан келишилиб олинди.</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
	такомиллаштириш.	2. Ишлаб чиқилган алгоритм асосида ДХХ Чегара қўшинлари томонидан кирувчи (норезидент) ва чиқувчи (резидент) фуқаролар ҳақидаги ойлик статистик маълумотларни шакллантириш, ўрнатилган тартибда Давлат статистика қўмитаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига мунтазам тақдим этиб боришни йўлга қўйиш.	2021 йилдан бошлаб доимий		<p>Бажарилган.</p> <p>Қўмитанинг 2021 йил 17 декабрдаги 01/1-09-15/2-234-сон хати Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Туризм ва спорт вазирлигига тақдим этилди. Ушбу хат орқали қуйидагилар маълум қилинди.</p> <p>Давлат статистика қўмитаси ҳамда Туризм ва спорт вазирлиги билан ҳамкорликда биро й давомида ҳар бир кирувчи (норезидент) ва чиқувчи (резидент) фуқароларнинг сафарлар сони ҳақида маълумотларни шакллантириш алгоритми ишлаб чиқилди ва ишчи тартибда ДХХ Чегара қўшинлари ходимлари билан келишиб олинди.</p> <p>Ишлаб чиқилган алгоритм асосида ДХХ Чегара қўшинлари ва Давлат персоналлаштириш маркази томонидан кирувчи (норезидент) ва чиқувчи (резидент) фуқаролар ҳақидаги ойлик статистик маълумотларни шакллантириш ва ўрнатилган тартибда Давлат статистика қўмитаси ҳамда Туризм ва спорт вазирлигига мунтазам тақдим этиб боориш учун, ушбу жадваллар (алгоритм) 2020 йил 18 ноябрдаги 01/1-09-15/2-237-сон ҳамда 01/1-09-15/2-238-сон хатлар билан юборилди.</p> <p>2021 йилнинг бошидан мазкур маълумотлар жадвали ўрнатилган тартибда ДХХ Чегара қўшинлари ва Давлат персоналлаштириш маркази томонидан Давлат статистика қўмитасига тақдим этиб келинмоқда.</p>
44	Қурилиш хизматлари импорти таркибида товарлар ҳажми ва хизмат муддатини аниқ	1. Халқаро тажриба ва тавсияларни ўрганган ҳолда қурилиш хизматлари импорти таркибида товарлар ҳажми ва хизмат муддатини аниқ	2020 йил август	Б. Иргашев, Д. Закиров	<p>Бажарилган.</p> <p>Қурилиш хизматлари импорти таркибида товарлар ҳажми ва хизмат муддатини аниқ баҳолаш мақсадида БМТнинг Статистика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган ва</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
	баҳолашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш.	баҳолашга қаратилган статистик ҳисоботларни такомиллаштириш.			<p>хизматлар экспорт-импорти статистикасини юритувчи давлатлар учун тавсия этилган “Хизматлар халқаро савдоси статистикаси бўйича қўлланма” (РСМТУ-2010) ҳамда қурилиш хизматлари импорти статистикасини юритилиши бўйича Россия Федератсияси статистика органларининг тажрибалари ўрганилди.</p> <p>Ўрганиш натижасида Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар йили қайта кўриб чиқиладиган статистик ҳисоботларда, жумладан 1-К шакли (ойлик) ҳисоботнинг III бўлими ва 1-КБ шаклига илова ТИФ (йиллик) I бўлими ҳисобот шаклларига қўшимча 2 та устун қўшилди, яъни қурилиш ишларини давомийлиги тўғрисидаги ва қурилиш хизматлар ҳажмида импорт орқали келтирилган товарларнинг ҳажмини алоҳида кўрсатилиши белгиланди.</p> <p>Ушбу банд ижроси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 6 июлдаги 54-сон Буйруқ билан тасдиқланган “2021 йил учун давлат статистика кузатувлари шакллари янада такомиллаштириш ҳамда Давлат статистика ишлари дастурини шакллантириш” доирасида амалга оширилади.</p> <p>Шунингдек, бажарилган ишлар юзасидан Давлат статистика қўмитаси Раиси Б.Бегаловга билдиришнома киритилган.</p>
		2. Ташқи савдо қўрсаткичларни шакллантириш бўйича тасдиқланган статистик ҳисоботларга мувофиқ маълумотларни шакллантириш.	2021 йилдан бошлаб		<p>Бажарилган.</p> <p>Ташқи савдо маълумотлар базасини шакллантиришда, қурилиш хизматлари импорти таркибида товарлар ҳажми ва хизмат муддатини аниқ баҳолашга қаратилган тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Давлат статистика</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					қўмитасининг 2021 йил 5 январьдаги 2-мб-сон қарорига 108/3-илова ҳамда 109-иловаларга мувофиқ ташқи савдо кўрсаткичларини шакллантириш бўйича, субъектлар томонидан тақдим этиладиган 12-корхона шакли (ойлик) "Ташкилот фаолияти тўғрисида"ги ҳамда, 1-кб (тиф) шакли (йиллик) "Экспорт-импорт тўғрисида 2020 йил учун" давлат статистика ҳисоботларининг тегишли бандларига қўшимча ва ўзгартириш киритилди. Бунда ҳисоботларнинг хизматлар экспорти-импорти кўрсаткичлари шакллантириладиган қисмида, шартнома тузган хорижий юридик шахсларнинг номи, шартнома рақами ва санаси, бажариш муддати ҳамда қурилиш ишлари учун импорт қилинган товарлар устунлари қўшилди.
45	Ташқи сектор бўйича статистикани такомиллаштириш, амалиётга илғор тажрибаларни жорий этиш.	Марказий банк, Молия вазирлиги ҳамда манфатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ташқи сектор бўйича статистикани такомиллаштириш юзасидан қуйидагиларни амалга оширишга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш: ташқи сектор статистикаси тўғрисида давлат органлари мансабдор шахсларининг саводхонлиги ва кенг жамоатчиликнинг хабардорлик даражасини ошириш;	2021 йил январь	Б. Иргашев, М. Жамолов	Бажарилган. Ташқи сектор бўйича статистикани такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар режаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳамда 2020 йил 28 сентябрдаги 02/1-1721-сон билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари-иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж. Қўчқоров томонидан тасдиқланган.

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
		<p>ташқи қарз бўйича индикаторларни такомиллаштириш;</p> <p>фойдаланувчилар кесимида молиявий воситачилик бўйича билвосита ўлчанадиган хизматларни баҳолаш ва тақсимлаш учун ахборот базасини такомиллаштириш;</p> <p>ТБҚ-6 асосида ташқи сектор бўйича 2010 йилдан бошлаб хронологик статистикани (динамик қаторлар) ишлаб чиқиш;</p> <p>ХВФнинг портфел Инвестициялари ва тўғридан-тўғри Инвестицияларни мувофиқлаштирилган тарзда кўриб чиқишда иштирок этишни қўллаб-қувватлаш;</p> <p>ташқи сектор статистикаси соҳасида маълумотларни тўплаш ва тузиш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш;</p> <p>ташқи сектор статистикаси бўйича маълумотлар қамровини, даврийлиги ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш.</p>			
5.7 Энергетика соҳасида статистикани такомиллаштириш					

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
46	БМТ ва Халқаро энергетика ташкилотлари стандартлари асосида энергетика статистикаси бўйича мавжуд методологияни такомиллаштириш.	1. Энергетика статистикаси бўйича мавжуд услубиятни такомиллаштириш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларнинг таклифларини йиғиш.	2020 йил декабрь	С. Жураев	<p>Бажарилган. Энергетика вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан берилган таклифлар умумлаштирилган ҳолда, энергетика статистикаси бўйича мавжуд методология қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилди ва 2021 йилнинг ноябрь ойидан жорий этилади.</p>
		2. Олинган таклифлар ҳамда халқаро тавсия ва қўлланмалар асосида энергетика статистикаси бўйича мавжуд услубиятни такомиллаштириш.	2021 йил ноябр		<p>Бажарилган. Энергетика вазирлиги: Энергетика статистикаси бўйича мавжуд методологияни БМТ ва Халқаро энергетика агентлигининг стандартлари асосида такомиллаштириш таклиф этилган ҳамда энергетика статистикаси бўйича мавжуд методологияни такомиллаштиришда қўллаш юзасидан энергетика статистикасига оид таърифлар ва атамалар тавсия сифатида берилган.</p> <p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги: Энергетика соҳасидаги статистикани халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш мақсадида истеъмолчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда энергетика статистикаси бўйича мавжуд бўлмаган кўрсаткичларни, жумладан, энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергия самарадорлиги ва уни сарфи бўйича кўрсаткичларни киритиш таклиф этилган.</p> <p>Олинган таклифлар ва халқаро тавсия ва қўлланмалар бўйича: Юқоридагиларда келтирилган вазирликлардан олинган таклифлар ҳамда халқаро тавсия ва қўлланмалар асосида, энергетика</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					статистикаси бўйича мавжуд методология қайта кўриб сжиқилиб, такомиллаштирилди ва 2021 йилнинг 26 ноябрда Давлат статистика қўмитасининг 50-сон қарори билан “Энергетика статистикаси бўйича услубий қўлланма” тасдиқланди.
47	Энергия самарадорлиги ва энергия сарфи бўйича маълумотлар сифатини ошириш.	1. Энергия самарадорлиги ва энергия сарфи бўйича статистик кўрсаткичларни такомиллаштириш бўйича вазирлик ва идораларнинг таклифларини йиғиш.	2020 йил сентябрь	С. Жураев	<p>Бажарилган.</p> <p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 7 сентябрдаги 04/15-01-6/63215-сон хатига асосан куйидаги таклифлар берилди:</p> <p>Саноат секторида <u>ишлаб чиқариш учун</u> сарфланадиган энергия маҳсулотларини (тонна нефт эквиваленти/сўм, доллар), электр энергияси маҳсулотларини (кВт.с/ сўм, доллар) ва табиий газ маҳсулотларини (минг куб. м./сўм, доллар);</p> <p><u>Шунингдек, саноат секторида қўшилган қиймат яратиш учун</u> сарфланадиган энергия маҳсулотларини (тонна нефт эквиваленти/сўм, доллар), электр энергияси маҳсулотларини (кВт.с/ сўм, доллар) ва табиий газ маҳсулотларини (минг куб. м./сўм, доллар) халқаро тажриба ва энг илғор жағон амалиётига асосланган ҳолда, кузатиб бориш таклиф этилади.</p> <p>Энергетика вазирлигининг 2020 йил 25 сентябрдаги 03-13-4983-сон хатига асосан куйидаги таклифлар берилди:</p> <p>Энергия самарадорлиги ва энергия сарфи бўйича статистик кўрсаткичларни такомиллаштириш бўйича, Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 2 октябрдаги 10-мб сон қарори 108-илова “Микрофирма ва кичик корхонанинг 2019 йил учун ҳисоботи”нинг II бўлимида келтирилган</p>

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар	
				Масъуллар	Ижро ҳолати
					<p>“Энергоресурслар сарфи” бўлими ўрнига, Энергетика вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган иқтисодиёт тармоқлари корхоналарининг энергия самарадорлиги ва энергия сарфи бўйича қўшимча статистик ҳисобот шакллари (3, 4-шловалар) ва ушбу статистик ҳисоботни чорақлик даврийлигида тадбиқ этиш таклиф этилган.</p>
